ДИРЕКТОРНИНГ ҲИЙЛАСИ

Асад Жўраев 2000 йилдан буён мактабда бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келган. Буни қарангки, тергов давомида аниқланган жиноятларнинг асосий қисми 2008 йилда директор этиб тайинланган Фахриддин Ҳусаинов давридан бошланган.

9 бет

ЖИНОИЙ ТЎДАНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Кейин С.Рустамов ҳамда А.Пардаевларнинг ёрдами билан 50 минг сўм мукофот пули эвазига касалхонада ётган Л.Коротченконинг ўрнига унга ўхшайдиган бир аёлни топади ва у билан Зангиота туманида жойлашган давлат нотариал идорасига йўл олади.

11 бет

Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 20-sentabr, №38 (819)

Парламентда

Долзарб масалалар муҳокамаси



Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

2012 йил 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг "Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллиги якунларининг фан, таълим, маданият ва спорт соҳасидаги ижроси"га доир йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, манфаатдор вазирликларнинг мутасадди раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг 19 январидаги Республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари доирасида тизимли ва мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизини ташкил этганлиги алоҳида эътироф этилди. Ушбу даврда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига жами давлат бюджети харажатларининг 59,6 фоизи миқдорида ёки 5 774,6 млрд. сўм маблағ харажат қилинганлиги, шу жумладан, ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисмини ёки 61 фоизини таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш харажатлари ташкил этганлиги ва ушбу харажатларга давлат бюджетидан 3 523,0 сўм маблағ ажратилганлиги таъкидланди.

Йиғилишда қайд этилганидек, таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим муассасаларига 343,9 млрд. сўм, умумтаълим мактабларига 2 091,9 млрд. сўм, мусиқа ва санъат мактабларига 45,4 млрд. сўм йўналтирилган. Болалар уйлари ва шу каби муассасаларга 10,1 млрд. сўм, кадрлар тайёрлаш бўйича муассасалар таъминотига, жумладан, академик лицейларига 61,6 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежларига 650,4 млрд. сўм, олий таълим муассасаларига 155,3 млрд. сўм маблағ ажратилиб, уларнинг мақсадли ва самарали тасарруф этилиши таъминланган.

Сўзга чиққан маърузачилар ҳисобот даврида маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари учун харажатлар 99,9 млрд. сўмни, шундан спортни ривожлантиришга 14,8 млрд. сўм, ахборот-кутубхона марказлари ва махсус кутубхоналар харажатларига 4,2 млрд. сўм, музейлар харажатларига 4,8 млрд. сўм, маданият саройлари ва уйлари харажатларига 14,9 млрд. сўм, театрлар ва мусиқа жамоалари харажатларига 19,6 млрд. сўм маблағлар йўналтирилганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Илм-фанни ривожлантиришга жорий йилнинг биринчи ярим йилида 49 млрд. сўм маблағ ажратилганлиги, шундан 33,1 млрд. сўми Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида амалга оширилаётган илмий-техника лойиҳаларини молиялаштиришга, 28,3 млрд. сўм ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга 4,8 млрд. сўм шунингдек, қолган 15,9 млрд. сўм илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга йўналтирилган.

Фан соҳасига бюджетдан ажратилган маблағлар бўйича режа 49 650,9 млн. сўм бўлиб, касса харажатлари 49,045,6 млн. сўмни ташкил қилган ёки ўзлаштирилмаган маблағлар миқдори 605,3 млн. сўмни ташкил этгани ҳам қайд этилди.

Бундан ташқари, мазкур тизимларда мақсадли йўналтирилган давлат бюджетини сарфлашда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам депутатлар томонидан танқид қилинди.

Йиғилиш сўнггида бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва қоидабузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Юқоридаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида тингловчилар ҳамда прокуратура соҳасида бир неча йиллар самарали меҳнат қилган ва ҳозирда қарилик гаштини суриб келаётган фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Фахрийлар билан мулоқот

Учрашувни Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғи Т.Умаров очиб, тингловчиларни ташриф буюрган фахрийлар Ортиқбой Қосимов ва Рустам Ҳакимовлар билан таништирди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Б.Калонов сўз олиб, Марказнинг ташкил этилиши, фаолияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумот берди. Шунингдек, Марказ прокуратура органларида меҳнат қилиб, нафақага чиққан 305 нафар фахрийни бирлаштиргани, уларга зарур моддий, маънавий ва тиббий ёрдамлар кўрсатилиб келинаётганлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

Барчамизга маълумки, инсон қадри унинг меҳнати, элюрт, Ватан, жамият ва давлат, қолаверса, умрини бахшида қилган касбига қўшган ҳиссаси билан баҳоланади. Ортиқбой Қосимов 36 йил, Рустам Ҳакимов эса 30 йилдан ортиқ прокуратура органлари тизимида самарали меҳнат қилган фахрийлардан. Улар ушбу давр мобайнида фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши курашишда мардонавор меҳнат қилганлар. Улар ўз иш тажрибалари ҳақида тингловчилар билан ўртоқлашар экан, энг аввало, қонун талаб этадиган барча вазифаларни сидқидилдан ва адолат тамойилларига таянган ҳолда бажариш шу касб эгасининг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Қизиқарли ва мазмунли ўтган учрашув тингловчиларнинг келгуси иш фаолиятларида муҳим ўрин тутишига ишонамиз.

Ўз мухбиримиз

Спортчилар билан учрашув



Президентимизнинг "Ҳеч бир соҳа спортчилик мамлакатни дунёга тез танитмайди" деган гаплари бугун ўз тасдиғини топмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда спортни ривожлантириш, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган спорт иншоотларини қуриш ва бу билан шуғулланувчи ёшларни янада кенг қамраб олиш мақсадида яратилаётган шарт-шароитлар, шубҳасиз, ўз натижасини кўрсатмоқда.

Биргина жорий йилнинг август ойида Англиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида муносиб қатнашган спортчиларимизнинг ютуқлари ҳам спортга бўлган юксак эътиборнинг маҳсулидир. Ҳозирда шундай нуфузли мусобақада Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, совриндор бўлган спортчилар билан турли маданий тадбирлар ўтказиш анъанага айланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган учрашув ҳам ана шундай тадбирлар жумласидандир. Тадбирда Миллий Олимпия қўмитаси раиси, Дюздо қўмитаси раиси ва Олимпиаданинг бронза медали соҳиби Ришод Собировлар қатнашди. Улар йиғилганларга юртимизда спортга қаратилаётган эътибор, спортчиларга яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар хусусида батафсил маълумот беришди. Шунингдек, XXX ёзги Олимпиада бронза медали соҳиби Ришод Собиров ўз мисолида халқаро мусобақаларда юрт шаънини ҳимоя қилаётган спортчининг ички кечинмалари ҳақида гапириб берди.

Қизиқарли ўтган учрашувда қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Тадбирда Бош прокуратуранинг барча бошқарма ва бўлим прокурорлари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Обуна — 2013

Ҳурматли юртдошлар!

2013 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ — 237

Дунёни тебратган улар

Бугун ўзини маънан янгилаб, рўзғор юмушларидан ортган вақтини ижоду меҳнатга, фарзандлари тарбиясига сарфлаб, шу асно янги даврга мослашиб яшаётган аёлларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар эл ишончига, юрт ардоғига сазовор бўлишаяпти. Бир сўз билан айтганда, аёлсиз ҳаёт татимайди, турмуш маънисиз ўтади.

Музаффар МАТЧАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори
Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
«Huquq»

Шу маънода, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Болали аёлларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги, "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва бошқа Фармонлари эълон қилингани-ю, уларда хотин-қизларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигини мамнуният билан эътироф этишимиз лозим.

Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибордан Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлари ҳам бебаҳра қолишгани йўқ. Айни дамда ҳудудда 390 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари иш олиб бораётган бўлса, шундан 327 тасида диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича аёл маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқда. Юзлаб хотин-қизлар эса кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишаяпти. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 469 нафар тадбиркор аёлларга 9 млрд. 688 млн. сўм кредит ажратилган. Шу билан бирга, аёлларнинг иш билан бандлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Жумладан, меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат қилган 8721 нафар хотин-қизлардан 8143 нафари иш билан таъминланиб, 135 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. Шунингдек, уларнинг маданий хордиқ чиқаришлари, соғлиқларини тиклашлари, спорт билан шуғулланишлари ҳам назоратга олинган. Бугунги кунда халқ таълими тизими ҳамда олий ва ўрта махсус таълими даргоҳларида 66 минг 647 нафар хотин-қизлар спорт билан шуғулланмоқда.

Ҳа, қилинган хайрли ишлар жуда кўп. Аммо, шоли қурмаксиз бўлмаганидек, айрим хотин-қизларнинг баъзида қинғир йўлларга кириб қолиши кишини ташвишга солади. Хусусан, ўтган 6 ой давомида республикада жами 281 та жиноят содир этилган бўлса, шунинг 186 таси хотин-қизларга тегишли. ФҲДЁ томонидан 51 та, суд томонидан 444 оилавий ажримлар қайд этилгани ҳам барчани ўйлантиради.

Қонликўл туман прокуратураси томонидан хотин-қизлар соғлиғини сақлашга доир қонунлар ижроси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ва туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар талаб даражасида ижро қилинмаган. Шунингдек, бу борада мутасадди ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида 496 нафар аёлнинг бандлиги таъминланмаган. 55 та оила тиббий кўрик ва никоҳсиз қурилган. Демак, шунча фуқаронинг соғлиғи шифокор назоратидан четда қолган.

Бундан ташқари, туманда 2011 йилда тиббий кўрикдан ўтказилган аёлларнинг 59 фоизи ёки 196 нафарида, 2012 йилнинг 4 ойида 57 фоизи ёки 198 нафарида камқонлик касаллиги аниқланган бўлса-да, мазкур касалликнинг олдини олиш, аёлларни соғломлаштириш борасида етарли даражада иш олиб борилмаган. Текшириш натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида Қонликўл туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Ҳар қандай ноқонуний иш, албатта, ташвиш келтириши, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Қинғир ишнинг қийиғи

Келдибой ЖУСИПБЕКОВ,
Кармана туман прокурори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 25-сонли қарорига асосан, ишлаб чиқилган "Мақсад ва (ёки) натижаси "молиявий пирамидалар" яратиш, паст сифатли товарларни сотиш ва пировард натижада аҳоли ҳисобидан ноқонуний бойиш ҳисобланган "тармоқли маркетинг" шаклидаги фаолиятни ноқонуний амалга ошириш билан боғлиқ салбий оқибатлар тўғрисида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб бориш бўйича чора-тадбирлар комплекси"да белгиланган вазифалар юзасидан туман прокуратураси томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, бу борада Департаментнинг Кармана туман бўлими ва туман ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар комплексининг 1-бандига асосан қилинаётган ишлар алоҳида аҳамиятга молиқдир.

Жумладан, чора-тадбирлар комплексининг 15-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ҳудудий органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда республика ҳудудига товарларнинг ноқонуний етказиб берилиши, транспортда ташилиши ва "тармоқли маркетинг" шаклида сотилишини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича ҳамкорлик назорат тадбирларини ташкил этиш белгиланган.

Бу борада жорий йилнинг 8 февраль куни Департаментнинг Кармана туман бўлими ва туман ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда Бешкент маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказилган тезкор тадбирда якка тартибдаги тадбиркор Л.Шодиев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда Россия давлатида ишлаб чиқарилган 390 дона 13850,0 минг сўмлик, сифат сертификати бўлмаган, кирим ҳужжатларисиз болор қурилиш маҳсулотини сотиш мақсадида Тошкент шаҳридан олиб келганлиги аниқланган ҳамда маҳсулот ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан якка тадбиркор Л.Шодиевга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ишонч олий қадриятдир

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида ўзини ўзи бошқариш тизими жорий қилинди. Ушбу идоралар раисларининг эса ҳар икки ярим йилда бир маротаба ўтказиладиган сайловларда фуқаролар томонидан билдирилган ишонч асосида сайланиши таъминланмоқда.

Шуҳрат ИБРОҲИМОВ,
Боғот туман прокуратураси терговчиси

Халқ ишончи олий қадрият саналади. Ишончни оқлаш, унга содиқ қолиш эса муқаддас бурч ва мажбуриятдир. Шу ўринда фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳаммалари ҳам ўзларига билдирилган ишончни оқлай олаяптиларми, деган ҳақли савол туғилади.

"Гуруч қурмаксиз бўлмайди", дейилганидек, афсуски, фуқаролар йиғинлари раислари орасида ҳам халқ ишончини суиистеъмол қилувчилар учраб турибди. Хусусан, Боғот тумани "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Иброҳим Жуманиёзов ҳам нафсига эрк бериб, оқибатда қишлоқдошларининг ишончини йўқотди.

Нафақа тўланишига доир қарор, низом ва қўлланмалар талабларини қўпол равишда бузган раис икки ёшгача нафақа тайинлашни сўраб, ариза билан мурожаат қилмаган бўлса-да, фуқаро О.Юсуповага 2011 йилнинг август, октябрь ва декабрь ойлари учун тегишли ҳужжатларсиз 328 минг сўм нафақа тайинлаб, ўзига ишониб топширилган бюджет маблағини талон-торож қилади.

Албатта, фуқаролар йиғини раиси бу ишни бир ўзи қилмаган. Бунда унга бевосита 2 ёш ва 16 (18) ёшгача болаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш ишларига масъул бўлган Нормурод Сапаев "кўмаклашиб" юборган.

Иброҳим Жуманиёзов ва Нормурод Сапаев биргаликда яна бир қилмишга қўл урганлар. Гап шундаки, фуқаро Г.Бобоева 2009 йил 10 майда туғилган фарзанди учун 2 ёшгача нафақа тайинлашни сўраб, 2010 йил 25 июнда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси номига ариза ёзади. Нафақа тайинлаш комиссиясининг баённомаси асосида 2010 йил 1 июлдан 2011 йил 31 майга қадар унга нафақа тайинланиб, тўланган. Г.Бобоеванинг фарзанди 2011 йил 10 май куни 2 ёшга тўлган бўлса-да, унга 2011 йил сентябрь ва ноябрь ойлари учун жами 228 минг 800 сўм нафақа тайинланган.

Шунингдек, И.Жуманиёзов мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда Н.Сапаев билан келишиб, 2 ёшгача боласи бўлган оилаларга нафақа тайинлашда оила даромади белгиланган мезондан ошган бўлсада, 14 та ҳолатда ўзига ишониб топширилган 6 млн. 709 минг сўм миқдоридаги бюджет маблағини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, И.Жуманиёзов яна бир шериги Шуҳрат Қўзиев билан тил бириктирган ҳолда, 16 (18) ёшгача нафақа тайинлашни сўраб, ариза билан мурожаат қилмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган 5 нафар фуқарога жами 2 млн. 280 минг сўм миқдорида нафақа тўлаб, бюджет маблағини растрата қилиш йўли билан талон-торож этгани ҳам фош бўлди. Қолаверса, И.Жуманиёзов ва Ш.Қўзиевнинг айби билан 16 (18) ёшгача боласи бўлган оилаларга нафақа тайинлашда оила даромади белгиланган мезондан ошгани ҳолда, 28 та ҳолатда жами 8 млн. 353 минг сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

Шу ва бошқа ҳолатлар асосида И.Жуманиёзов, Н.Сапаев ва Ш.Қўзиевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Кучли ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор жиҳатларидан саналади. Бу ижтимоий ҳимоя аҳолининг муҳтож қатламини қамраб олишига фуқаролар йиғинлари жавобгардир. Юқоридаги каби ҳолатларнинг содир этилиши эса айрим фуқароларнинг ҳафсаласини пир қилиши мумкин. Шундай экан, бу каби кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун фуқаролар йиғини раислари ўз маҳалладошларининг ишончини суиистеъмол қилмасдан, зиммаларидаги вазифаларни масъулият билан адо этишлари мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш ҳамда соҳа вакилларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар маҳалламизда тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосини ташкил этади.

Юрт равнақи йўлида

Диёр ЭРГАШЕВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бу борада прокуратура органлари зиммасига ҳам қатор масъулиятли вазифалар юклатилган. Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига асоссиз аралашишларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳам фикримиз далилидир. Ушбу йўналишда асосий эътибор маҳаллий бошқарув ва назорат-текширув органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга нисбатан қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва санкцияларнинг қонунийлигини ўрганишга, турли сансалорлик ҳолатларини бартараф этишга қаратилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, айни пайтда Жиззах вилоятида 18925 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Улар олдида турган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш борасида муайян ишлар қилинаяпти. Хусусан, вилоят прокуратураси органларининг аралашуви билан 53 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланиб, 13 нафарига рухсатнома бериш ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришда, 9 нафарига эса кредит олишда ёрдам берилди. Масалан, паррандачилик билан шуғулланадиган Д.Жалолованинг тегишли ташкилотлар томонидан ер ажратилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилиб, натижасига кўра тадбиркорга 0,35 гектар ер ажратиб берилди.

Шу ўринда айтиш керакки, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ишонч билан мурожаат қилаётгани ҳам уларнинг ҳуқуқий онги юксалаётгани, қонунчиликдаги янгиликлардан бохабарлигидан далолат беради. Аҳолининг ҳуқуқий тафаккурини ўстиришда улар билан ўтказилаётган мулоқотларнинг аҳамияти катта. Шу боис, ҳуқуқий тарғибот масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини аниқлаб, бартараф этиш мақсадида ташкил этилган "007" рақамли ишонч телефонларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ишонч телефонларига 62 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси ўз вақтида ҳал қилинган. Шундан 53 таси қаноатлантирилган. Хусусан, Янгиобод туманида яшовчи Б.Орзиқуловнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш учун "Қишлоққурилишбанк"нинг туман филиалидан 20 млн. сўм кредит олишида ёрдам берилди.

Мазкур соҳада аниқланган қонунга зид қарорларга нисбатан 2 та протест келтирилиб, қонунбузарликни бартараф этиш борасида ваколатли идораларга 10 та тақдимнома киритилган. 37 нафар масъул шахс огоҳлантирилиб, 8 нафарига нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир, жиддий қонунбузилишлар юзасидан эса 5 та жиноят иши қўзғатилган.

Хориж тажрибасидан маълумки, ушбу соҳа қанчалик тараққий этса, мамлакат ҳам шунчалар ривожланади. Нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларни бартараф этиш имкониятлари ҳам кўпаяди. Шундай экан, ривожидан бутун жамият манфаатдор бўлган тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бизнинг доимий эътиборимиздаги масала бўлиб қолаверади.

Доимий эътибордаги вазифа



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Геннадий ДАВЛЕТОВ,
Чилонзор туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

Ёш авлоднинг маънавий камолотида таълим-тарбия алоҳида ўрин тутади. Ота-боболаримиз азал-азалдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билганлар. Дарҳақиқат, бугун барча шарт-шароитга эга мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ахборот технологияларини чуқур биладиган, икки-уч тилда бемалол сўзлаша оладиган минглаб ёшларимиз тимсолида бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар самараларини кўриб турибмиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ҳар бир йилга алоҳида ном бериш ва шу асосда изчил иш юритиш яхши анъанага айланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар асосида бир мақсад — соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, миллат генофондини яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсади мужассам. Хусусан, «Ёшлар йили» ва «Баркамол авлод йили» муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурларида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Уларда фарзандларимиз баркамол вояга етишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси белгиланди.

Яхши маълумки, вояга етмаганлар ҳали оқ ва қорани яхши ажрата олмайди. Бундай пайтда уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, тарбиясига эътиборсизлик ножўя оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис, уларнинг яшаш шароити, таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши билан боғлиқ масалалар алоҳида эътибор талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тўғри, нотинч оилалардаги ва тарбияси оғир болаларни турар жойи бўйича аниқлаш, улар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар натижасида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада камайди. Аммо болаларнинг қаровсизлиги, ўқув муассасаларини ташлаб кетиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари йўқ, деб бўлмайди.

Юқорида зикр этилган қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини тубдан ошириш, болаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини яхшилаш учун ҳуқуқий замин яратди. Чунки, унда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасалар, уларнинг асосий вазифалари, фаолият принциплари ва йўналишлари ҳамда ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

Қонунда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жамоатчилик иштирокини таъминлашга доир нормалар ҳам акс эттирилди. Қонуннинг 19-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколати доирасида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида қатнашади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмак беради.

2010 йилнинг май ойида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам қабул қилинди. Мазкур қонун болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ҳуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётир. Жамиятимизда, афсуски, ёшларни тўғри йўлдан адаштириш ниятида ҳаракат қилаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар хил таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқобидан фойдаланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида бундай ҳолатларнинг маънавиятимизга салбий таъсирини изоҳлаб, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин, деб таъкидлайди. Шу боис вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз интернет-кафеларда, кўнгил очиш ёки дам олиш жойларида бўлишига йўл қўймасликка оид меъёр белгиланди. Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 188[2]-модда билан тўлдирилди. Унда ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасининг бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз қайд этилган муассасаларда бўлишига йўл қўйганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима жазосига тортиш белгиланди. Ушбу норма айни пайтда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Қонун қабул қилинганидан буён жойларда маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, ички ишлар ҳамда бошқа мутасадди идоралар масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари, ота-оналар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, уларга ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда. Бироқ шунга қарамасдан қонунда белгиланган меъёрларни бузаётган ёки уларга амал қилмаётган ёшлар, ота-оналар, таълим муассасалари учраб турибди. Чилонзор туман ички ишлар бўлими ходимлари ва шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ўтказилган рейдларда Чилонзор туманининг "Катта Қозиробод" маҳалласида жойлашган "777" интернет клубида тунги вақтда вояга етмаган ёшлар компьютер ўйинлари ўйнаб ўтиргани маълум бўлган. Афсуски, туман бўйича бу каби 56 та ҳолат аниқланган. Ота-оналарнинг эътиборсизлиги, тунги вақтда фарзандининг қаерда юргани билан қизиқмаслиги, таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбиянинг етарли эмаслиги оқибатида вояга етмаган ёшлар билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолади.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда таълим муассасалари, маҳалла ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида изчил ҳамкорлик ўрнатиш борасида туман прокуратураси кейинги пайтда тумандаги "Нўғай Қўрғон", "Катта Қозиробод", "Лутфий", "Кўтарма", "Қатортол", "Халқлар Дўстлиги" маҳалла фуқаролари йиғинларига катта эътибор қаратишни ўзига алоҳида белгилаб олди.

Таълим-тарбия халқимиз маънавиятини шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, ёшларимиз келажагига масъул бўлган биз катталар — ота-оналар, устоз ва мураббийлар, маҳалла фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бу ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.



Фуқаро Д.Қаюмованинг «Ниқиқ» газетаси таҳририятига юборган «Оқ Сарой текстиль» МЧЖ маъмурияти томонидан иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаётганлиги тўғрисидаги аризаси Шаҳрисабз туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Маошлари ундириб берилди...

Текширишда ариза муаллифи Д.Қаюмованинг 2012 йил июнь ойи учун 125 840 сўм нафақа пули ўз вақтида тўланмасдан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилаётганлиги аниқланди ва чора кўрилди. Яъни МЧЖ директори Я.Холмуродовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, унинг нафақа пули тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Таҳририятга йўлланган яна бир аризада фуқаро Х.Амонов коллежда ўтилган дарс соатлари учун тўлиқ иш ҳақи олмаётганлигидан шикоят қилган. Аризачининг шикояти Жиззах вилоят прокуратураси томонидан ўрганилганида, аризада кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топган. Таҳририятга йўлланган жавоб хатида баён этилишича, Ҳ.Амоновга 2011-2012 ўқув йили учун тузилган тарификацияга асосан "Жисмоний тарбия" ва "Чақиришқа қадар бошланғич таълим" фанларидан 1620,9 ўқув дарс соати берилган бўлиб, шу дарс соатларини ўтганлиги учун унга 361 минг 298 сўм иш ҳақи кам тўланганлиги аниқланди.

Шунингдек, коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Н.Нурбекованинг ҳар ой давомида ўқитувчиларнинг ўтган дарс соатлари тўғрисидаги ҳисоботни (Ф-2) ва ўқув йили тугаганидан сўнг ўқитувчилар меҳнат таътилига чиқиши олдидан йиллик ўқув соатларининг ўтилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни (Ф-3) тузиб, коллеж бухгалтериясига бермаганлиги натижасида, иш ҳақидан 1 та ҳолатда 75 минг 486 сўм кам тўланган ва 3 та ҳолатда жами 291 минг 545 сўм ортиқча тўланишига йўл қўйилган.

Бундан ташқари, коллежда 2011-2012 ўқув йили давомида туғишгача ва туғишдан кейинги таътил учун нафақа тўловларининг тўланиши қонунийлиги ўрганилганда, коллеж директорининг 2010 йил 2 августдаги 96-К-сонли буйруғи билан ишга қабул қилинган М.Усмонова 2011 йил 2 сентябргача ЭҲМ оператори вазифасида ишлаб, тўлиқ иш ҳақи олиб келган. М.Усмонова 2011 йил 2 сентябрдан 1 декабргача тўлиқ уч ой ишга келмаган ва шу ойлар учун унга иш кунлари табели юритилмаган. Аммо фуқаро М.Усмоновага ўтган уч ой учун иш ҳақи тўланмаган бўлса-да, коллеж маъмурияти томонидан унинг ишга келмаганлиги сабабини аниқлаш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш чоралари кўрилмасдан, М.Усмоновага 2012 йил 1 февралдан туғишгача ва туғишдан кейин таътилга чиқаётганлиги сабабли нафақа бериш ҳақидаги аризаси ва 133158-рақамли касаллик варақасига асосан коллеж директорининг 2011 йил 5 декабрдаги 128-сонли буйруғи билан нафақа тўланишига рухсат берилиб, 2011 йил 1 декабрдан 2012 йил 2 майга қадар 106 кунга 799 808 сўм нафақа тўланган.

Фуқаро Ҳ.Амоновнинг коллеж ходимлар бўлими бошлиғи С.Аҳмедова ўрта маълумотли эканлиги боис унга дарс соатлари нотўғри берилганлиги ҳақидаги важи ўрганилганда, С.Аҳмедованинг мутахассислиги молиячи бўлса-да, унга коллеж ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Н.Нурбекова томонидан нотўғри дарс тақсимоти қилиниб, умумтаълим фани ҳисобланган "Иқтисодиёт асослари" фанидан 560 соат, махсус фан ҳисобланган "Кадрлар билан ишлаш" фанидан 60 соат, жами 620 соат мутахассислиги бўйича дарс тақсимоти қилиш мумкин бўлмаган ўқитувчига нотўғри дарс берилиши ҳисобига 2011-2012 ўқув йили давомида 2 млн. 740 минг 919 сўм соатбай иш ҳақи тўланганлиги аниқланган.

Текширишда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Меҳнат тўғрисидаги қонун талаблари бузилишига йўл қўйган коллеж директори З.Усмоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Лоқайдликка берилган жазо

Биз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаяпмиз. Маълумки, ҳар қандай ишда ҳам ўтиш даври ўзига хос қийинчиликлар билан кечади. Бундай пайтда ислоҳот талабларини янада чуқурроқ ўрганиш ва ўргатиш, бу борадаги қонунларнинг бажарилишини аниқ ва мунтазам назорат қилиш зарурати туғилади.

Фарҳод ОМОНОВ,
Қарши шаҳар прокурори

Меҳнаткаш халқимизнинг қадим-қадимдан бозор ташвиши билан яшаши ҳаммамизга маълум. Образли қилиб айтганда, "отанг — бозор, онанг — бозор". Деҳқон, ҳунарманд, тадбиркор, фермер, борингки, ҳар бир кишининг кундалик ҳаёти бозор билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик бозор ва савдо мажмуаларининг ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо шундай муҳим иш топшириб қўйилган кишилар масъулиятни ҳис этмаса, ё бўлмаса ўз ишига совуққонлик ва лоқайдлик билан қараса-чи?

Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳол рўй берганда бозордан барака кетади. Ҳисоб-китоб ишларидаги, солиқ ва тўловлар соҳасидаги чалкашликлар охир-оқибат жиноятга олиб боради.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг очиқ суд мажлисида Бахтиёр Тошев ҳамда Худойберди Чўкмаровнинг жиноий иши кўриб чиқилди. Суд ҳайъати судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, баҳолаб ва тарафларнинг музокара нутқларини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 3-қисми ва 205-моддасининг 2-қисми "а", "в" бандлари билан айбланган Б.Тошев "Орзу қувончи" МЧЖга қарашли "Чарос камалаги" савдо мажмуа шўъба корхонасида 2008 йил 6 июндан директор лавозимида ишлаб келган.

Корхона директори иш фаолияти мобайнида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, баъзи ҳолатларда эса лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўйиб, корхонада турли қарздорликларнинг кўпайиб кетишига сабабчи бўлади. Албатта, бу соҳада корхона бош ҳисобчиси Х.Чўкмаровнинг ҳам айби йўқ эмас. Директор ва бош ҳисобчининг ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашлари оқибатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ўзаро ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар қўпол равишда бузилган.

2011 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 5 млн. 162 минг 300 сўм миқдоридаги дебитор қарзларни ундириб олиш муддати ўтиб кетишига йўл қўйилгани ҳолда, корхона раҳбарлари мазкур суммани ундириб олиш ҳақида хўжалик судларига даъво аризалари киритиш ёхуд қарздорларни огоҳлантириш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаганлар.

Шунингдек, улар Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари, хусусан, 2002 йил 19 мартда қабул қилинган 88-сонли "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор талабларига зид равишда ҳаракат қилиб, корхона ишчи-хизматчиларининг 37 млн. 454 минг 900 сўм миқдордаги иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмаганлар. Бу билан улар савдо мажмуаси ходимлари ҳамда "Орзу қувончи" МЧЖнинг ҳуқуқлари қонун йўли билан қўриқланадиган манфаатларига катта миқдорда зарар етказганлар.

Бундан ташқари, Б.Тошев мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар талабига риоя қилмай, бозордаги савдо ўринлари, дўконлардан фойдаланиш, солиқлар, йиғимлар, доимий савдо қилувчиларни рўйхатдан ўтказиш каби ишларга ҳам лоқайдлик билан қараб, жиддий хатоларга йўл қўяди.

Маълумки, бозорлардаги савдо ўринлари якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, бу ҳақда гувоҳномага эга бўлган жисмоний шахсларга берилади. Б.Тошев буни яхши билгани ҳолда, қонунга амал қилмаган. Натижада кўплаб фуқаролар тегишли ҳужжатлари бўлмаган ҳолда бозордаги савдо ўринларидан фойдаланиб келганлар. Бундан кўринадики, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан савдо қилаётган кишиларнинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўламаслигига корхона директори ва ҳисобчиси томонидан шароит яратиб берилган. Натижада, бюджет ва пенсия жамғармаси учун ундириладиган солиқ ва мажбурий тўловлар тўланмаган ва давлат манфаатига зиён етказилган.

Шунингдек, савдо мажмуасида турғун савдо дўконлари тадбиркорлик билан шуғулланувчи 38 нафар фуқарога бериб қўйилгани ҳолда, улар билан "ҳисоб шартномаси" тузилмаганлигини қандай баҳолаш керак? Бунинг натижасида хизмат кўрсатишдан тушадиган тушумлар ҳамда улар ҳисобидан бюджетга ўтказиладиган солиқ ва тўловлар-чи? Бу ҳотамтойликми ёки бундай фаолият бошқа бир мақсадларга асосланганми?

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиб келаётган фуқаролар учун бир кунлик тўловнинг ўртача миқдори, масалан, 2011 йилда бозор маъмурияти томонидан 2 минг сўм, бир ойлик ижара ҳақининг миқдори 60 минг сўм қилиб белгиланган. Шу ҳисобдан, 27876,0 минг сўмлик тўловлар йиғилиши лозим бўлса-да, ушбу тушум пуллари белгиланган меъёрлар асосида ундириб олинмаганлиги ҳам дастлабки терговлар ва суд жараёнида маълум бўлди ҳамда корхона директори Б.Тошев ва бош ҳисобчи Х.Чўкмаров фаолиятидаги нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларига аниқлик киритилди.

Судланувчи Бахтиёр Тошев судда айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувига қараганда, Қарши шаҳар Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси ДСҚ бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят бўлими томонидан ўтказилган текширувда корхона фаолиятига доир бир қатор камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланган. Жумладан, корхонанинг дебиторлик қарзи (2011 йил 1 июль ҳолатида) 49 млн. 166 минг сўмни ташкил этган. Кредиторлик қарзи эса 723 млн. 961 минг сўмга етган. Шундан тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи 5 млн. 162 минг сўмдан кўпроқни ташкил этиши аниқланган.

Корхона раҳбари бундай аҳволнинг рўй беришига ўша пайтда ҳали дўконлар қурилиши тўлиқ тугаманлиги ва маблағ етишмаслиги оқибатида иш ҳақи тўловлари ва бошқа қарздорликларга йўл қўйилганлигини рўкач қилди.

Суд Б.Тошев ҳамда Х.Чўкмаровга нисбатан жазо тайинлашда уларнинг чин кўнгилдан пушаймонлигини, савдо мажмуаси ходимларининг иш ҳақи тергов давомида тўлиқ тўлаб берилганлигини ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиб, уларга нисбатан жарима жазоси тайинлади.

"Чарос камалаги" савдо мажмуаси шўъба корхонасига етказилган 11 млн. 964 минг сўм миқдоридаги зарар Б.Тошевдан ундириб олинадиган бўлди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар қандай корхона, муассаса ёки ташкилотнинг ривожланиши кўп жиҳатдан раҳбарнинг ишчанлиги ва ўз ишига қай даражада масъулият билан ёндашишига боғлиқ. Масъулиятсизлик ёки лоқайдлик ҳукм сурган жойдан муваффақият, барака қочади. Бозорлар ва савдо мажмуалари эса ҳар бир ишда фаолликни, ҳалолликни талаб қилади. Бундай жойда, хусусан, одамларга муносабат ва пул муомаласи, солиқлар ва тўловлар қатъий ҳисоб-китоб билан олиб борилиши зарур.

Айтиб ўтганимиздек, биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз. Демак, унинг талабларини пухта ўрганишимиз ва бу борадаги қонун талабларига оғишмай амал қилмоғимиз зарур.

Халқимиз асрлар давомида энг гўзал ахлоқий меъёрларни шакллантира олган. Бу меъёрларнинг асосий ўзаги эса тарбиядир. Бир болага етти маҳалла ота-она, дея бежиз айтишмайди. Зеро, халқимиз фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Шу боис юртимиздан комил инсонлар кўплаб етишиб чиққан. Бугунги кунда ҳам бу масала долзарблигини йўқотмаган.

Бефарқ бўлмайлик

Хуршидбек АДИЛОВ,
Асака туман прокурори ўринбосари

Хусусан, ҳукуматимиз томонидан вояга етмаганлар тарбиясига оид қатор қонун ва қарорлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳам 2012 йилнинг 2-чораги мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги ҳамда 2011 йил 17 январдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари талаблари асосида фаолиятини ташкил этгани ҳолда, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ота-она қаровисиз ва назоратсиз қолдирилган вояга етмаганларни аниқлаш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келган.

Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси, яъни 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш, таълим йўналишини танлашга кўмаклашиш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини янада ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш борасидаги ишлар мутахассислар жалб қилинган ҳолда тумандаги 1 та академик лицей ва 12 та касб-ҳунар коллежлари, туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлимига қарашли 60 та умумтаълим, 4 та давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 1 та давлат ихтисослаштирилган мактаб ва 2 та махсус мактаб-интернатида ўрганилган.

Маълум бўлишича, 2011-2012 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари 5 минг 248 нафарни ташкил этган бўлиб, уларнинг 4 666 нафари касб-ҳунар коллежларига, 572 нафари эса академик лицейларга ҳужжат топширган. 4 нафар 9-синф битирувчисининг чет элга кетиб қолиши ҳолати юзасидан туман ИИБ ХООГ ВЕЎН ва ХПБ инспекторлари томонидан 2 нафар ота-онани Ўзбекистон Республикаси МЖтК нинг 47-моддаси билан маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш юзасидан тўпланган ҳужжатлар туман хокимлиги вояга етмаган ишлари бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган ва уларнинг фарзандларини қайтариш чоралари кўрилган.

Шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан тумандаги умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш, ёшларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш ҳамда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича 2012 йилда амалга ошириладиган дастур ишлар чиқилиб, унинг 1-қисм, 5-бандига асосан, Асака-Қоратепа йўналишида жойлашган Асака спорт коллежига транспорт қатнови йўлга қўйилиб, ўқувчиларни имтиёзли ташиш тизими таъминланган.

Келажагимиз эгаларига бўлган эътиборнинг барчаси Ватанимиз мустақиллигининг самараси, эртанги порлоқ келажакка интилишларимиз натижасидир.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туманшаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Мувозанат бузилган жойда

Огоҳлик, ҳушёрлик деганда фақат ёт гоялардан сақланиш тушунилмайди, албатта. Киши доим руҳан ва маънан уйғоқ кайфиятда бўлиши, атрофга теран нигоҳ ташлаши талаб этилади. Бироқ, турли сабабларга кўра, кишилар сергакликни йўқотадилар. Алкогол ичимликлар эса инсоннинг ҳушёрлигига раҳна солувчи омиллар сирасига киради.

Музаффар ЗАРИПОВ,
Гурлан туман прокуратураси терговчиси

Спиртли ичимликлар ичган киши ўз мувозанатини йўқотиб, яхши фикрлай олмайди. Шунинг учун ҳам маст ҳолатдагилар ўзлари ва атрофдагиларга маънавий ва моддий зарар келтирадилар. Ичкиликка берилиш туфайли киши оила ва маҳаллада ўз обрў-эътиборини йўқотади, моддий ва маънавий зарар келтиради. Ичкиликбозлик бундан ташқари, саломатликка ҳам жиддий зиён етказади. Демак, унга ружу қўйган киши ишчанлик қобилиятини ҳам йўқотади. Умуман, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ҳеч қачон яхшиликка хизмат қилмаган.

Гурланлик Эргашбек Аҳмедов ҳам айнан мастлик оқибатида жиноятга қўл урди.

Янги йил арафаси эди. Байрамолди тантаналардаги "қиттай-қиттай"лар унинг ичига "ўт ёқди". Шундай бўлсада, "Нексия" машинасига ўтириб, оғайниларидан бирининг зиёфатида иштирок этиш учун йўлга тушди. Ёш бўлса, ҳали уйланмаган, ҳаёт завқини суриб қолиши керак-ку, ахир!

Бошининг бироз айланаётгани-ю, қишки об-ҳаво шароитини эътиборга олмади. Ҳам ароқ, ҳам ширин ўйлар оғушида сармаст бўлиб кетаётганди. Бирданига машина олдида нимадир пайдо бўлганга ўхшади. Нимагадир урилди...

Ҳушига келиб, "Муравей" русумли мотоциклни уриб юборганини кўрди. Беҳуш ётган 30-40 ёшлардаги эркак кишига кўзи тушди. Нималар қилиб қўйганини тушуниб етган Эргашбек йўловчи машиналардан бирини тўхтатди. Мотоцикл эгасини Гурлан туман марказий шифохонасига олиб борди. Бироқ, кеч бўлганди. Мотоциклни бошқариб бораётган Равшанбек Каримов ҳаётдан кўз юмган эди.

Эргашбек Аҳмедов ўз кўрсатмаларида, шундан кейин синдфошининг янги йил олди зиёфатига борганлиги, икки пиёла ароқ ичиб, воқеа жойига оғайнилари билан қайтиб келганлигини билдиради.

Ушбу жиноят иши бўйича терговда воқеа атрофлича ўрганилиб, суд ҳукми билан жиноятчи ўз жазосини олди.

Бироқ атрофимизда ҳали ҳам маст ҳолда машинага ўтиришдан қўрқмайдиган кишилар учраб туради. Улар биз тилга олган воқеадан тегишли хулоса чиқарадилар, деб умид қиламиз. Рулга ўтираётган киши ўзи ва ўзгалар ҳаёти учун масъул эканлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслиги лозим.

Тамагирлар қўлга тушди

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан коррупция ҳолатларини фош этиш, давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказиш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш борасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Р.ТУРСУНҚУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Чунончи, Департаментнинг Узун туман бўлими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Узун туман Н.Рамазонов кўчасида жойлашган "Ҳулкар Мед техникаси" хусусий корхонасига қарашли савдо дўконида Узун туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиника врач-невропатологи А.Донаев ногиронларга ташхис қўйиш ваколатидан фойдаланиб, даволамаган бўлса-да, унинг номига поликлиникада юритилган амбулатор картасига даволаб турганлиги тўғрисида сохта ёзувлар киритиб бериш эвазига тамагирлик йўли билан 450 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтида жиноят устида ушланган. Ҳодиса жойида А.Донаевдан пора сифатида олган 450 минг сўм пул ашёвий далил сифатида олинган.

Шунингдек, Департаментнинг Олтинсой туман бўлими ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида тумандаги "Х.Номозов" СИУ фаолияти ўрганилганда, қуйидаги ҳолат аниқланди.

Маълум бўлишича, уюшма бошлиғи И.Мирзокулов тадбиркорлик субъектларининг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларини поймол қилиб, "Беламур Лаззати" хусусий фирмаси бошлиғи У.Қорақуловадан тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш учун туман ҳокимлигидан ер ажратиб бериш тўғрисида қарор чиқариб бераман, деб уни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 400 АҚШ доллари олган.


Бундан ташқари, Департаментнинг Ангор туман бўлими ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида тумандаги "Ҳунармандчилик" уюшмаси фаолияти ўрганилганда, уюшма бошлиғи Х.Қорабоевнинг кирдикорлари очилиб қолди. У уюшмага аъзо бўлган 9 нафар якка тартибдаги тадбиркорларни ишончини суиистеъмол қилиб, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли кредит олиб беришни ваъда қилиб, жами 23,2 млн. сўмлик пулларни товламачилик йўли билан олиб, шахсий манфаатларига ишлатиб келганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Валютафуруш

Шавкатжон ЖЎРАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Маълумки, мамлакатимизда валюта бозорини эркинлаштириш борасида изчил чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса, албатта, иқтисодиётимизнинг барқарорлашувига, инфляция даражасининг пасайишига, инвестиция жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ички валюта бозорининг эркинлашуви, ўз навбатида товарлар экспорт-импорти, валюта олди-сотдиси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушумларининг эркинлашувига олиб келади. Фуқароларимиз ҳам ушбу қонуний имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар.



Лекин, улар орасида давлатимиз томонидан яратилган ана шундай имкониятлардан фойдаланиш ўрнига, валютафурушликни касб қилиб олганлар ҳам учраб турибди.

Жумладан, "қаҳрамонимиз" Шохруҳ Зиёдуллаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам бошқа касб-кор билан шуғулланиш ўрнига, ноқонуний йўлни танлаганлардан экан.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси ходимлари томонидан Марғилон шаҳрида ўтказилган тезкор-тадбирда, фуқаро Ҳусан Рисқуловга 4 минг 800 АҚШ долларини 13 872,0 минг сўмга сотаётган Ш.Зиёдуллаевнинг "фаолияти"га чек қўйилди.

Ундан 4 минг 800 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қонунбузардан олиб қўйилган пуллар давлат эгалигига ўтказилди. Унинг ўзи эса содир этган қилмиши учун жазонинг муқаррарлигига ишонч ҳосил қилди.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

Янада такомиллаштирилди

Зафар РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 30-31 август кунлари бўлиб ўтган навбатдаги тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги 1672-сонли ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1675-сонли Қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу қонун 2012 йилнинг 21 июнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Қонун 2012 йилнинг 11 сентябрида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноятижроия кодекси ва Меҳнат кодексига, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги ҳамда "Жиноят иши юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонунларига аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада мунтасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида меҳнат ҳақи миқдори Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгиланишини меҳнат вазифалари учун ходимнинг меҳнат ҳақи миқдори ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф ставкасидан кам бўлмаслигидан далолат беради.

Қонунчиликка киритилган ушбу янгилик меҳнатга ҳақ тўлашнинг фақат амалдаги энг кам иш ҳақи миқдорига қараб амалга ошиладиган, бунда Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича белгиланган ойлик меҳнат ҳақи миқдорини эътиборга олмайдиган иш берувчиларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг икки хил талқин қилинишини истисно этади.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни орқали Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳам қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 36-банд билан тўлдирилиб, унга кўра, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилди. Киритилган мазкур қўшимча орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш имконияти вужудга келди. Бунинг асосида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди.

иккинчидан, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларга солиқ солиш тизимининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 217-моддасидаги "аҳоли номидан олади ган" деган сўзлардан кейин "шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган" деган сўзлар билан тўлдирилди. Бу эса ўз навбатида, нол даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот доираси кенгайтирилганлигидан далолат беради.

учинчидан, мазкур кодекснинг "Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш оборотларига солиқ солиш" деб номланган 217-1-моддаси пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш айланмаси 20 фоизлик ставка бўйича қўшилган қиймат солиғига тортилиши муносабати билан чиқариб ташланди;

тўртинчидан, ушбу кодекснинг 324-моддаси 2-бандига фуқароларга имтиёзлар беришни назарда тутувчи нормалар ҳам киритилиб, унга кўра, ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерациясида ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобил олувчи фуқаролар, шунингдек, якин қариндошларидан ҳадя шартномаси ёки мерос асосида автомобилларни мотоаравачалар олувчи фуқаролар автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўлашдан озод қилиндилар.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, мазкур қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган қатор ислоҳотлар ўзининг ижобий самараларини бераётир. Бу ислоҳотлар замирида инсон манфаати бош омил бўлиб турганлиги, айниқса, эътиборлидир. Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилинишида ҳам катта рамзий маъно бор. Зеро, инсон, аввало, оилада шаклланади, камолот сари одимлайди. Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгилаб берилган долзарб вазифалар бугун изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур дастур ижроси бўйича Олтинкўл туманида ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хайрли ишлар самараси

Ойбек ОМОНОВ,
Олтинкўл туман прокурори
Икромжон МАНСУРОВ,
журналист

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг 6 ойи мобайнида жами 37,9 млн. сўм кредит ажратилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун битирувчиларга 37 млн. сўм кредит ажратилди.

Тумандаги ҳар бир тижорат банки филиаллари томонидан ёш оилаларга истеъмол кредити дастурига мувофиқ мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида истеъмол кредитлари ажратилади. Бундан ташқари, имтиёзли кредитлар ҳисобига 2012 йилда ҳар бири 3-, 4- ва 5-хонали 77 та замонавий типдаги уй-жой қурилиши мўлжалланаётир.

Дастур кенг кўламли бўлиб, бир неча бўлим ҳамда уларнинг ҳар бирига кўра амалга ошириладиган турли тадбирларни ўз ичига олади. Мазкур чора-тадбирларни амалга оширишнинг якуний харажатлари 8 млрд. 869,5 млн. сўмни ташкил этади. Жумладан, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари 5 млрд. 872,4 млн. сўм, ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари 351,3 млн. сўм, тижорат банклари кредитлари 2 млрд. 465,8 млн. сўм, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари маблағлари 155 млн. сўм, грантлар 25 млн. сўмга тенг.

Дастурда шунингдек, маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирларни кўзда тутувчи режалар ҳам бор. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимларини ошириш мақсадида ташкил этилаётган "Ота-оналар университетлари", "Энг намунали оила", "Биз спортчилар оиласимиз", "Оилавий тадбиркорлик — фаровонлик омили" кўрик-танловларини ўтказиш, "Оила — жамиятнинг муҳим бўғини", "Маънавият оиладан бошланади", "Оиланинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти" деб номланган тадбирлар уюштириш, "Оиладаги тарбия: тажриба ва истиқболдаги вазифалар", "Менталитетимизга ёт таъсирларга қарши туришда маҳалла ва оиланинг аҳамиятини ошириш" мавзуларида семинар ва конференциялар ўтказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзи, тиббий ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш алоҳида эътиборга молик масала. Дастурда бу борада ҳам муайян вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг ижросига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чунки, бу халқимизнинг менталитетига хос бўлган азалий қадриятларимиздан саналади. Шу боис, ўтган ярим йил давомида 40 та кам таъминланган хонадонга 800 та парранда тарқатилди.

Тумандаги барча КФЙ ва коллежларда имтиёзли кредит бериш бўйича аҳолига кенг қамровли тушунчалар бериб борилмоқда. Мебел, маиший техника ва бошқа жиҳозлар харид қилиш учун аҳолига 3 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Маълумки, аҳолини иш билан таъминлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Яқинда тумандаги истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 68 та корхона-ташкилотлар 180 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Тадбирда иштирок этган 152 нафар фуқародан 130 нафарига йўлланма берилди. Шундан 72 нафар фуқаро иш билан таъминланди. 13 нафар битирувчига зарур маслаҳатлар берилди.

Ободонлаштириш иши азал-азалдан халқимизга хос хислат саналади. Бугунги кунда айниқса, элимизнинг мана шу фазилати янада яққол намоён бўлмоқда. Кеча кирган кўчангизни бугун танимайсиз.

Шу маънода Олтинкўл ҳам тобора чирой очиб бормоқда. Бугун туман марказида бўлган киши унинг кейинги йилларда қанчалар ўзгариб, замонавийлик касб этганлигини кўриб, ҳайратда қолади. Бу ерда қурилаётган кўп қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари шаҳарлардаги энг кўркам бинолар билан бемалол рақобатлаша олади. Айни чоғда қишлоқ ва маҳаллаларимизда қурилиб, фойдаланишга топширилаётган замонавий турар жой бинолари, маиший хизмат уйлари, ижтимоий соҳа объектлари халқимизнинг турмуш фаровонлиги тобора ортиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Мустаҳкам оила йили"да рўёбга чиқариладиган ишлар қамрови ва кўлами ниҳоятда кенг. Уларнинг амалга оширилиши оилаларимизнинг мустаҳкамлиги ва турмуш фаровонлигимизни янада ошириш, юртимизни бундан-да кўркам ва обод масканга айлантиришга хизмат қилади.

Адолат фаолиятимиз мезони бўлсин

Улуғбек УМАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи

Юртимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти-ю, хавфсизлик ва барқарорликнинг таъминланганлигини, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти ҳамда халқаро майдонда тобора ошиб бораётган обрў-эътиборини, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий билими ошиб бораётир. Қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, кўркамлашиб бормоқда. Юртдошларимизга истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилаяпти.

Жамиятнинг изчил тараққиётига ҳар бир фуқаро муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлаган ҳолда, СВОЖЖДЛҚК Департаменти ходимларининг бу борада муносиб фаоллик кўрсатиб келишаётганини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Таъбир жоиз бўлса, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни дилига жо этиб, хизмат вазифаларини виждонан бажараётган ходимларимиз фаолиятига бир назар ташлашни лозим топдик. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган 245 та тадбир натижасида иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. 192 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 53 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар юритилди. Шунингдек, давлат бюджетига жами 20 млрд. 228,9 млн. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, 5 млрд. 236,3 млн. сўм маблағнинг ундирилиши таъминланди.

Солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаш жинояти билан боғлиқ 31 та жиноят ишлари қўзғатилган. Шунингдек, ўзлаштириш ва растрата йўли билан бюджет ҳамда бошқаларнинг манфаатларига етказилган 881,4 млн. сўмлик зарарлардан 447 млн. сўмининг ундирилиши таъминланган.

Қонунбузарлардан ноқонуний муомалага киритилган 415,5 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Шундан 18 та ҳолат бўйича 38,3 млн. сўмлик товарларни четдан ноқонуний олиб кириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Валюта соҳасидаги жиноятлар борасида 45 та қонунбузарлик аниқланиб, 19 та жиноят ва 26 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Айбдорлардан ноқонуний равишда муомалага киритилган 52 438 АҚШ доллари, 1 430 евро, 196 480 Россия рубли, 4700 қозоқ тенгеси ва 119,8 млн. сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ноқонуний равишда маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган 49 та яширин цех фаолияти фош этилиб, шундан 44 та жиноят ишлари ҳамда 5 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 104,619,2 минг сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди.

Акциз маркасиз алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ 32 та қонунбузарликлар аниқланиб, 19 та ҳолатда 21,7 млн. сўмлик спиртли ичимликлар, 13 та ҳолатда 6,8 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олинди.

Накд пул айланмаларини янада қисқартириш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида эса 24 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 1 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш юритилди. Жами 28,3 млрд. сўмлик ноқонуний товар-пул айланмалари фош этилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш натижасида яратилаётган янги иш ўринлари, тадбиркорлар фаолиятидаги сунъий тўсиқлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга барҳам бериш борасида амалга оширилаётган ишларнинг телевидение, радио ва матбуотда мунтазам ёритиб борилиши ташкиллаштирилган. Ўтган давр мобайнида 97 та фуқарога амалий ёрдам кўрсатилиб, 134 та иш ўринлари яратилиши таъминланди. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича аҳоли ўртасида қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш, қонунларга ҳурмат билан қараб, уларнинг ижросини таъминлаш шартлиги тушунчасини шакллантириш борасидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида 280 маротаба тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Ҳамкорлик самарадорликни оширади

Шавкатбек ИСОМИДДИНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўтган ҳафтада Андижон вилоят прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг ва таҳлилий ишчи гуруҳининг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Шерзод Матиев олиб борди.

Йиғилишда фуқароларнинг маҳаллаларда ва оилаларда тинч, осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашда ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг роли ва ўрни, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари билан жамоат тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш борасидаги долзарб вазифалар, одам савдосига қарши курашиш борасида жамоатчилик вакилларининг вазифалари каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўтган давр мобайнида мазкур йўналишда олиб борилган ишлар ҳақида комиссия масъул котиби Нодирбек Мадаминовнинг ахбороти тингланди. Комиссия томонидан ўтган давр мобайнида айнан одам савдосига қарши курашиш ишларини ташкиллаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилганлиги, одам савдосидан жабрланганларни тиббий кўрикдан ўтказиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида маълум ижобий натижаларга эришилганлиги алоҳида қайд қилинди.

Одам савдосига қарши курашишда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, йиғилиш иштирокчиларининг эътибори кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларига қаратилди. Шунингдек, мулоқот иштирокчилари фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини янада жадаллаштириш ва одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалида 2012 йил 4 сентябрдан 18 сентябргача бўлиб ўтган аукцион ва танлов натижалари

	Объектнинг номи	Жойлашган жойи	Бошланғич баҳоси (сўмда)	Сотилиш баҳоси (минг сўмда)
Тошкент шаҳар				
2012 йил 4 сентябрдаги танловда сотилган				
1	Икки қаватли ва ертўлали бино	Тошкент ш, Мирзо Улуғбек т, Қибрай кўчаси, 12-уйда	398 840 320,00	410 000,00
2012 йил 11 сентябрдаги танловда сотилган				
1	Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	Тошкент ш, Ҳамза т, Янгиобод даҳаси, Шоҳсанам кўчасида	372 040 940,00	385 000,00
2012 йил 18 сентябрдаги аукционда сотилган				
1	Лаборатория бино ва иншоотлари	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Мусорский кўчасида	278 359 200,00	298 000,00

20 сентябрь — Ўрмон хўжалиги ходимлари куни

Ўрмонлар — умуммиллий бойлигимиз



"... илмий-техникавий тараққиёт жадал ривожланаётган ва дунёнинг сиёсий-жуғрофий тизими ўзгараётган пайтда инсоният томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсир, жамият ривожи билан табиат муҳитининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш "инсон-табиат" муносабатларида мувозанатга эришиш масалалари тобора жиддий аҳамият касб этмоқда".

Ислом КАРИМОВ

Ота-боболаримиз қадим-қадимдан мевали ва манзарали дарахтлар экиб, юрт чиройига чирой қўшиш, уни яшилликка буркаш борасида ибратли ишларни амалга оширганлар. Улар табиат сўзига она жумласини қўшиб айтишган. Чунки бола она бағрида эркин ўсиб-улғайгани каби инсоният ҳаёти ҳам теварак-атрофимизни ўраб турган мана шу борлиқ, табиат қўйнида кечади. Шу боис табиатга она каби жонли муносабатда бўлиш талаб этилади. Зеро, Яратганнинг ўзи уст-бошимиз, озиқ-овқатимиз учун керак бўладиган неъматларни табиат бағрига жойлаган. Табиатнинг энг катта бойликларидан бири ўрмонлардир.

Қашқадарё вилоятининг тоғ ва чўл ҳудудларидаги ўрмонзорларни кўрсангиз, кўзингиз қувнайди. Аммо бу яшил бойлигимиз яшнаб туриши замирида касб соҳиблари — ўрмон хўжалиги ходимларининг заҳматли меҳнати ётганлигини барчамиз ҳам ҳис қилавермаймиз. Қашқадарё марказий давлат ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 276109 гектарни ташкил этади. Шунинг 116460 гектари табиий дарахтзорлар билан қопланган майдонлардир. 7618 гектари маданий, 9992 гектари туташмаган ўрмонзорлардан иборат. Тоғ ҳудудидаги табиий ўрмонзорлар, асосан, Зарафшон арчаси, заранг, дўлана, ёнғоқ, писта, наъматак, ёввойи бодом, ёввойи олма, тоғолча ва бошқа дарахт ҳамда буталардан иборат.

Ўрмон хўжалиги директори вазифасини бажарувчи Раъно Бозорованинг таъкидлашича, ўрмон хўжалиги ходимларининг асосий вазифаси ўрмонзорларни сақлаш, кўпайтириш ва қайта тиклашдан иборат. Шу мақсадда 102 гектар майдонда ўрмон кўчатхоналари ташкил этилган. Чунки кўчатчилик кони фойда. Қолаверса, боғ-роғлар яратиш, теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш ва аҳоли истиқомат қиладиган ошёнларни ободонлаштиришда кўчатчилик асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кунда марказий ўрмон хўжалиги кўчатхоналарида 2 135 600 дона мевали ва манзарали кўчатлар етиштирилмоқда. Кўчатхоналарда Тяншань қора қарағайи, каштан, Зарафшон арчаси, Қрим қарағайи, Сурия атиргули, сада қайрағоч ва қизил тана сингари ноёб кўчат турлари ҳам кўпайтирилмоқда.

Зарафшон арчаси тоғ ён бағирларида, денгиз сатҳидан 2600-2800 метргача баландликда ўсиб, тупроқни муҳофаза қилиш ва сувни сақлаб туриш вазифасини ўтайди. Чўл ҳудудларида ўсадиган саксовулзор ва юлғунзорлар иқлимни мўътадиллаштиришда, гармсел шамоллари ва қум кўчкиларининг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Р.Бозорованинг куюнчаклик билан таъкидлашича, тоғ қишлоқларида одамлар ўрмон хўжалиги ходимларининг кўзини шамғалат қилиб, арчаларни кесиб кетишаяпти.

Деҳқонобод туманидаги "Бошчорбоғ", "Оқбош", Ойбек ва Ҳамид Олимжон номли хўжаликлар туман марказидан узоқда, бориш қийин бўлган ҳудудда жойлашган. Мазкур хўжаликлар минг йиллик арчалар, ноёб мевали ва манзарали дарахт ва буталар макони.

Бундай пайтда айбдорни жаримага тортиб, кесилган дарахтнинг зарарини қоплаш мумкин. Бироқ бир дона арча ниҳолини экиб, уни дарахт даражасига етказиш учун юз йил, яъни бир инсон умридан ортиқ вақт керак бўлади. Яйловлар майдонининг кескин қисқариб кетиши оқибатида кейинги пайтларда ўрмон хўжаликлари яйловларидан мол боқиш учун фойдаланиш кенг авж олган. Натижада ўрмонзорларнинг табиий кўпайиши сусаймоқда. Яъни, дарахтлардан тушган уруғдан униб чиққан ниҳол чорва моллари томонидан пайҳон қилиниб, ўсиб кетишига халал берилаяпти, шунингдек, ўрмонзорлардан олинадиган зира, кийик ўт, анзур пиёзи, коврак, дала чойи сингари ўсимликларнинг йўқолиб кетишига сабабчи бўлаяпти.

— Мутахассис сифатида ўрмон хўжалиги яйловларига меъёридан ортиқ мол қўйилишига мутлақо қаршиман, — дейди Р.Бозорова. — Биз бугунги даромадни ўйлаб эртанги кун учун катта йўқотиш қилаётганимизни англамаяпмиз.

Тўғри, ўрмонзорларни кўпайтириш, қўриқлаш, дарахтларни парвариш қилиш, суғориш, янги ариқлар қазиш, мавжудларини таъмирлаш, ўрмон дарахтлари уруғларини тайёрлаш, дарахтлар касалликларига зараркунандаларига қарши курашиш, уларни ёнғиндан асраш, кўчатхоналар барпо этиш ўрмон хўжалиги ходимларининг зиммасидаги вазифа.

Бироқ, бу юмуш ўрмон хўжалиги ходимларининг вазифаси экан, деб қўл қовуштириб ўтиришимиз ёки табиий газ босими пастлигини баҳона қилиб яшнаб турган дарахтлар, юлғун ва саксовулларни ўтин учун кесишимиз инсофдан эмас. Кесилаётган шохларнинг дарахтларга зарари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бугун Ер юзини тобора исканжага олиб бораётган экологик хавф-хатар шароитида ўрмонзорларнинг аҳамияти ҳақида-чи?

Менимча, ўрмонларнинг аҳамияти, бинобарин, Ер юзидаги жамики тириклик учун ўрмонлар ҳаёт-мамот масаласи эканлигини бугун мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Негаки, ҳаёт учун энг бирламчи зарурат — ҳаво билан сув ўрмонсиз ҳосил бўлмайди. Биз нафас оладиган кислород дарахтларнинг ямяшил баргларида "туғилади". Демак, ўрмонлар, энг аввало, мусаффо ҳаво манбаи.

Иккинчидан, қалин ўрмонлар бўлмаса, осмондан ёққан қор қиш бўйи она замин бағрини оппоқ кўрпага, баҳорги ёмғирлар эса ям-яшил майсага буркаб ётмайди. Демакки, ўрмонлар бўлмаса, сизу бизни оби ҳаёт билан таъмин этувчи минглаб чашмалар кўз очмайди. Чашмалар кўз очмаса, сойлар ҳам, дарёлар ҳам сувсиз қолади.

Учинчидан, ўрмон инсониятга ҳам бошпана, ҳам уни боқувчи неъматлар етиштириб беради. Кўраяпсизми, жамики тириклик манбаи бўлган она табиат унсурлари ўзаро мувозанат занжирлари орқали бир-бири билан нақадар боғланиб турибди. Бу мувозанатни бузиш, унинг қонуниятлари сирини англамаслик инсон фарзандини ҳалокат ёқасига етаклайди. Шу чоққача бир нечта цивилизация табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида йўқолиб кетган.

Мутахассисларнинг фикрича, бир гектар дарахтзор ёки бутазор 220-280 килограмм карбонат ангидрид газини ютар ва 180-220 килограмм кислород ишлаб чиқарар экан. Ўрмонзорлар (дарахтлар) ҳаводаги чангни камайтиради, аэрозоллар (тутун ва зарарли газлар)ни 70-80 фоизгача ушлаб қолиш хусусиятига эга.

Бир гектар дарахтзор худди шундай майдонни эгаллаган сув ҳавзасига нисбатан ҳаво намлигини ўн баробардан кўпроқ ушлаб туради. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Дарахт барглари қуёш нурини 15 фоизгача ушлаб қолиб, шамол кучини кесади. Дарахтлар шаҳар шовқинини ҳам камайтириш хусусиятига эга (айниқса чинор ва тераклар).

Эрта баҳорда шаҳар ва қишлоқларимизда минглаб туп дарахт кўчатлари ўтқазилади. Доно халқимиз "Экканга бир савоб, ўстирганга минг савоб" деб бежиз айтмаган. Бирор кўчат экдикми, уни парваришлашни ҳам унутмайлик! Дарахтлар хоҳ мевали, хоҳ манзарали бўлсин, сиз билан бизнинг эътиборимизга муҳтож. Уларнинг илдизи эркин нафас олиши учун кўчат тагини юмшатиб, вақтида суғориб, ўғитини бериб, ортиқча шохларини бутаб, сиз ва бизнинг саломатлигимиз учун зарарли бўлган гази ис, чанг ва қурумларни ушлаб қолган япроқларини ювиб туришимиз лозим. Агарда ҳар биримиз ақалли биттадан дарахтни сақлаб қолсак, бу неча миллионлаб дарахтлар барқ уриб ўсади дегани.

Зеро, немис ёзувчиси ва мутафаккири И.В.Гёте таъкидлаганидек, "Табиат, бу, ҳар бир саҳифаси буюк мазмунга эга ягона асардир". Буюк ёзувчи ва мутафаккирнинг бу ажойиб ташбеҳидан кўринадики, унинг бир саҳифасига путур етса, бутун бир асар азият чекади.

Сайёрамизда биота, яъни тирик организмлар пайдо бўлганига икки миллиард йил бўлибди. Инсоният пайдо бўлганидан буён ана шу биотанинг қарийб 70 фоизини йўқ қилиб юборди ёки ҳалокат ёқасига олиб келди. Ер юзида инсонлар томонидан ҳосил қилинган чиқинди миқдори эса табиий пайдо бўладиган чиқиндилардан қарийб икки минг баробар кўп экан.

БМТ маълумотларига кўра, сўнгги 50 йилда сайёрамиз аҳолиси деярли ўн баробарга ошган. Шундан ҳар олтинчи киши экологик номақбул ҳудудда яшайди. Ҳар ўнинчи катта дарё бир неча ой ичида денгизга етиб бормайди. Масалан, АҚШдаги Колорадо дарёси энди денгизга қуйилмайди. Бир миллиард киши санитария меъёрларига тўғри келмайдиган ичимлик сувидан фойдаланади. Дунёда ҳар куни 5 минг киши ифлосланган сувни ичиш туфайли оламдан кўз юммоқда. 2025 йилга бориб 2 миллиард киши сув танқислигидан азият чекиши эҳтимоли бор. Бугун ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиғи яроқсиз ҳолга келган. 2050 йилга бориб ҳайвонот турларининг 25 фоизи — ҳар 4 тадан 1 та сут эмизувчи, ҳар 8 тадан 1 та қуш, ҳар 3 тадан 1 та қуруқликда ва сувда яшовчи ҳайвон турлари йўқ бўлиб кетиш хавфи остида. Биологик турларнинг табиий суръатлардан юз маротаба тезроқ тугаб битиш хавфи бор.

Бутун дунёда саноат ишлаб чиқаришининг кенгайиши, ўрмон ёнғинлари, табиат заҳираларидан меъёридан ортиқ бетартиб фойдаланиш оқибатида йилига Ер юзининг 13 миллион гектар майдонидаги ўрмонзорлар йўқолиб кетаяпти.

Бугун Буюк Хитой девори ҳақида билмаган одам топилмаса керак. Бироқ Яшил Хитой девори ҳам борлигини билувчилар озчиликни ташкил этади. Республика ҳудудида саҳролар кенгайиб боришининг олдини олиш мақсадида "Яшил Хитой девори" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган. Чунки Хитойда қум бўронлари туфайли ҳар йили 1300 квадрат километр унумдор ер қум билан қопланади. Лойиҳа муаллифларининг фикрича, Буюк Хитой девори мамлакат шимолий ҳудудларини кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилган бўлса, "Яшил девор" ерларни қум бўронларидан ҳимоя қилиши кўзда тутилган.

Ҳукумат шамол тезлигини камайтириш ва ерларнинг эрозиясига қарши курашиш мақсадида 13 та вилоят ҳудудига ўтқазиладиган дарахт, бута ва ўсимликлардан иборат яшил белбоғ — "Яшил девор" барпо этишга киришди. Бу лойиҳа 2072 йилга қадар мўлжалланган бўлиб, салкам 350 минг квадрат километр майдонни кўкаламзорлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мутахассисларнинг фикрича, дарахтлар шамол ва қум бўронлари ҳаракатини тутишга хизмат қилса, уларнинг илдизлари ернинг эрозияга учрашига йўл қўймайди.

Оқибатда 1973 йилдан то шу кунга қадар Хитойдаги ўрмонлар майдони икки баробарга кенгайди. Янги минг йиллик бошида Хитойнинг йўқолиб кетиш хавфи бўлган ўрмонларида чорва моллари боқиш тақиқланди.

Халқимизда "Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукур қил" деган мақол бор. Хитой халқининг табиатни, табиий муҳитни асраб қолиш мақсадида кўрсатган чора-тадбирлари ибрат олса арзийдиган воқеа эмасми? Ваҳоланки, юртимизнинг бепоён дашту далалари, қир-адирлик ва тоғликлари инсон меҳрига муҳтож.

Халқимиз ўрмонзор ва боғларни бекорга жаннатга менгзамайди. Юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши бир тупдан мевали ва бир тупдан манзарали кўчат ўтқазса ва унинг ўсишини таъминласа, яшил бойлигимиз неча миллион тупга кўпайишини бир тасаввур этиб кўринг. Бу хайрли тажриба қисқа вақт ичида юртимизнинг бепоён дашту қирларини сербарака боғларга буркайди. Боғ яратишни эса бободеҳқон оталаримиз бебаҳо қадрият, деб билишган. Биз ана шундай улуғ қадриятларни ёшларимиз онгига сингдириб бормоғимиз, бу савобли ишда ўзимиз уларга ибрат кўрсатмоғимиз лозим. Шунда биздан келгуси авлодларга обод ва озод Ватан қолади.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Нидиқ»

Учқўприк туман прокуратураси томонидан 2012 йилнинг биринчи ярми мобайнида ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунлар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Қонунийликни таъминлаш тадбирлари

Отабек АҲРАРОВ,
Учқўприк туман прокурори



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 18 март кунги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси мунтазам равишда таҳлил этиб борилмоқда.

2012 йилнинг 8 ойи мобайнида қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси юзасидан 20 та текшириш ўтказилиб, натижаларига кўра 789 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Қонунга зид бўлган 8 та ҳужжатга нисбатан протест келтирилиб, бекор қилинди ёки қонунга мувофиқлаштирилди. Қонунбузилишининг олдини олиш бўйича 75 та тақдимнома киритилиб, 31 нафар шахс интизомий, 120 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 460 нафар шахс келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Кўпол қонунбузилишлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилиб, 57 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида давлат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда хўжалик судларига 87 млн. 647 минг сўмлик 34 та даъво аризалари киритилди.

Туман прокуратураси томонидан иш ҳақлари ўз вақтида тўланишига оид қонунлар ижроси ўрганилганида, "Учқўприк МТП" ОАЖда 39 нафар ишчи-ходимга 27 млн. 986 минг сўм иш ҳақи тўланмагани аниқланиб, иш ҳақини ундириш бўйича фуқаролик судига 39 та ариза киритилди. Корхона мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Бундан ташқари, тумандаги "Назаров Қаюмжон ҳожи" фермер хўжалигининг мансабдор шахслари томонидан ҳужжатларни сохталаштириш орқали ишчиларга тўланиши лозим бўлган 1 млн. 250 минг сўм пул маблағлари талон-торож қилингани аниқланди. Шунингдек, фермер хўжалиги раҳбари лимит асосида хўжаликка ажратилган 5800 килограмм аммиакли селитранинг 2500 килограммини ғўза қатор оралариға солмасдан, талон-торож қилиб, қалбаки далолатнома тузган. Унга ИИБ назоратчи вакили К.Мусаев ҳам имзо чеккан ва ИИБ раҳбариятига топширган. Мазкур ҳолат юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, давлатга ғалла етказиб бериш бўйича контрактация шартномаларининг бажарилиши юзасидан ҳам тегишли чоралар кўрилди. Давлатга дон сотиш режасини бажармаган 11 та фермер хўжаликларидан 37 млн. сўм ундириш ҳақида хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида аксарият фермер хўжаликлари контрактация шартномаларини бажаришди. Давлатга 19969 тонна ўрнига 21235 тонна дон етказилиб, режанинг 106 фоизга бажарилиши таъминланди.

Тумандаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган иккита касбҳунар коллежларининг 1093 нафар битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 262 нафари, шу жумладан, прокурор аралашуви билан 113 нафари қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилди.

Айни пайтда туман прокуратураси томонидан 2012 йил пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, теримчиларга ҳар беш кунда терим пулларини тўлаб бориш, ҳашарчиларга ётоқхоналарда зарур шарт-шароитларни яратишнинг аҳволи устидан прокурор назорати кучайтирилиб, кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ аҳлига муносиб турмуш шароитларини яратишни кўзлаб ўтказилаётган ислоҳотларнинг самараси яққол кўзга ташланмоқда. Пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинган даромад савдо ва ишлаб чиқариш, инфратузилма объектларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Туман маркази, қишлоқларда замонавий турар жой, таълим, савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаларининг кўркам бинолари қад ростлаяпти. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик бизнес корхоналарининг сафи кенгаймоқда. Янги иш ўринлари яратилиб, меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш имкониятлари ортяпти. Бир сўз билан айтганда эса, қишлоқ хўжалиги соҳаси билан бирга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Инсон шаъни ва қадр-қиммати улуғ

Бугунги кунга келиб одам савдоси жиноятлари туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашиш ҳам шунчалик кучайиб бораётир. Жумладан, Республикамизда ҳам инсон шаъни ва қадр-қимматини топтовчи бу жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аввало ушбу жиноятларга барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий-норматив база шакллантирилди.

Хайрулло ХАСАНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Маълумки, одам савдоси жиноятларининг олдини олишда аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим омил ҳисобланади. Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросининг таъминланиши аҳволи таҳлил қилиниб, мунтазам равишда назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2012 йилнинг 6 ойида вилоят бўйича 44636 нафар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган қатлами квота асосида ишга жойлаштирилган. Шунингдек, 144700 нафар фуқаролар бандликка кўмаклашувчи марказларга иш сўраб мурожаат қилган бўлиб, шулардан 9224 нафари мақбул иш ўринларига ишга жойлаштирилган, 4301 нафар ишсиз фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган.

Шу даврда жойлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликда 110 маротаба меҳнат ярмаркалари ўтказилган. Уларда 4408 та корхона 32180 та бўш иш ўринлари билан қатнашиб, меҳнат бозорига жами 28034 нафар ишсизлар жалб қилинган, уларнинг 12959 нафари ишга жойлаштирилиб, 15075 нафарига тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий Дастурига биноан касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш асосида 1214 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда ушбу иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, қайд этилган давр мобайнида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун вилоят тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиб, 8413 та янги ишчи ўринлари яратилган. Лекин ишга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлган қисмини рўйхатга олиш орқали мониторинг юритиш, уларнинг ижтимоий аҳволидан бохабар бўлиш каби долзарб масалаларга етарли эътибор берилмаган.


Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг 1-ярмида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат ва бандлигига оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 85 та тақдимнома киритилиб, прокурор тақдимномаси ва қарорларига асосан жами 315 нафар шахс интизомий, 148 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 5 млрд. 626 млн. сўмлик зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик судларига 81 та даъво аризалари киритилиб, кўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилиб, 1735 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари прокурорлар томонидан тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ИИБ ХЧК ва ФРБ, унинг жойлардаги шаҳар-туман ИИБлари томонидан қатор ташкилий профилактик огоҳлантирув тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят миқёсида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мақсадида "Орият", "Тозалаш", "Антитеррор", "Ўсмир", "Назорат" ва "Турмуш" каби бир қатор кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилди.

Хорижий давлатларда норасмий меҳнат фаолияти, фоҳишалик ва қўшмачилик билан шуғулланганлиги учун депортация қилинган фуқаролар билан жойларда якка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказилиб, суриштирув ишлари олиб борилди ва уларнинг ички ишлар ва соғлиқни сақлаш вазирликларининг 1997 йил 15 май кунидаги буйруғи талабларига кўра тери-таносил касалликлари диспансерида кўрикдан ўтказилиши таъминланмоқда.

Бу даврда одам савдоси билан боғлиқ 28 та жиноят аниқланиб, уларни содир этган шахсларга нисбатан жазо



муқаррарлигини таъминлаш чоралари кўриб борилмоқда.

Маҳаллаларда аҳолининг бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчилар ва ишга лаёқатлилар, иш билан банд бўлмаганлар, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, айниқса, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганидан сўнг ишга жойлашмаганлар сони тўғрисидаги маълумотлар жамланиб, ўрганилмоқда. Мазкур таҳлил ҳамда ўрганишлар натижасида маҳалла фуқаролар йиғинларида 15 130 нафар фаол иш изловчилар мавжудлиги аниқланиб, кенг қамровли тарғибот ва назорат тадбирлари ташкил қилинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги мавжуд 426 та маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ўрганилиб, туман-шаҳар прокурорлари Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман-шаҳар ҳудудий идоралараро комиссиялари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этдилар.

Ярмаркаларда қатнашган 553 нафар фуқаро яшаш жойига яқин бўлган муқим иш ўринлари билан таъминланди. 4000 нафардан зиёд фуқароларга ишга жойлашиш учун тегишли тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Ишга жойлашганларнинг 126 нафарини амнистия актига асосан ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида жазодан озод қилинганлар ва 204 нафарини чет элда иш излаб қайтганлар ташкил қилади.

Айни пайтда, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши натижасида жабрланган 62 нафар фуқарога ҳуқуқий-ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда.

Жиноятчиликка доир таҳлиллар шуни кўрсатдики, амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган 6 ойида вилоят ҳудудида содир қилинган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,13 фоизга камайган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан аҳоли ўртасида ўтказилаётган маъруза ва суҳбатларда, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаши борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятдаги олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, меҳнат жамоалари ва аҳолининг бошқа қатламларига вилоят мусиқали драма театрида мунтазам равишда одам савдоси ва унинг аянчли оқибатларидан огоҳ этувчи "Хаёл ва ҳақиқат", "Тавба" номли спектакллар намойиши ташкил этилган.

Директорнинг ҳийласи

«Аванс Г» — мактаб ўқитувчиларидан бирортаси қўй ёки мол сўйиб мактабга тарқатса, мазкур тарқатилган гўштни олган ўқитувчининг ойлик маошидан ушлаб қолинадиган "тўлов" тури. Бу иккинчи масала. Асосийси...

ёхуд Нишон туманидаги 18-умумтаълим мактабида 70 миллион сўмдан ортиқ зарарга қандай йўл қўйилгани ҳақида

Суннат АЗИЗОВ,
Нишон туман прокурори ўринбосари



Жиноят ишлари бўйича Нишон туман судида очиқ суд мажлиси бўлиб, унда айнан ана шу тумандаги 18-умумтаълим мактабининг директори Фахриддин Ҳусаинов, бош ҳисобчи Асад Жўраев, директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Бахтиёр Примов ҳамда ёрдамчи ҳисобчи Гулом Нуралиевларнинг жиноий иши кўриб чиқилди. Судда аниқланган, яъни улар томонидан ўзлаштирилган суммалар рақамлари кўрган кишининг кўзини тиндириши табиий. Бу рақамлар ана шу тўрт мансабдор шахс томонидан ўқитувчиларнинг иш ҳақи ва мактаб моддий техникаси талон-торож қилинганлиги оқибатида юзага келган. Қатор йиллар давомида ўзгалар ҳақини ўзлаштириб олиш, мактабга фойдаланиш учун келтирилган компьютер жамланмаларини ўмариш оқибатида ўқитувчилар ва мактаб 70 миллион сўмдан ортиқ зарар кўрди. Кўриб турибсиз, бу оз маблағ эмас!

Асад Жўраев 2000 йилдан буён мактабда бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келган. Буни қарангки, тергов давомида аниқланган жиноятларнинг асосий қисми 2008 йилда директор этиб тайинланган Фахриддин Ҳусаинов давридан бошланган. Асад Жўраев мактаб ўқитувчилари учун иш ҳақи сифатида 2009 йил 28 сентябрь куни банкдан 1 млн. 130 минг 800 сўм, ўша йил октябрь ойида 4 млн. 869 минг сўм, 2010 йил октябрь ойида 6 млн. 500 минг сўм, жами 12 млн. 499 минг 800 сўм маблағ олиб, унинг 12 млн. 83 минг сўмини ўқитувчиларга тарқатмасдан, тўлов ведомостларини тузиб, ўқитувчиларга олганлик тўғрисида имзо чектиради ва мазкур сумманинг 11 млн. 535 минг сўмини асоссиз равишда республика мақсадли китоб жамғармасига ўтказиб юборади. Ўртада қолган 548 080 сўм миқдоридаги пулни ўз фойдасига ўзлаштиради. Албатта, А.Жўраев буни ёлғиз ўзи бажара олмасди. Қолаверса, мактаб директорининг тасдиғисиз пулларни бошқа жойга ўтказиб бўлмаслигини ҳам яхши биларди. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейди халқимиз. Ҳисобчи ва директор гўёки бу ишнинг қаловини топишганди.

2010 йил 28 июль куни 164-сонли юк хати билан мактабга жами 4 млн. 301 минг 961 сўмлик 3 дона компьютер жамланмаси, 3 дона принтер ҳамда 2 дона стул келтирилади. Табиийки, улар ўқувчилар учун олинган эди. Мактаб хўжалик ишлари мудири Бахтиёр Примов ушбу техника воситаларини мактабга кирим қилиши ва ҳужжатлаштириб қўйиши лозим эди. Бироқ хўжалик ишлари мудирига уларни бўлиб олиш маъқул келди.

Мактабда молиявий масалаларни тартибга солиш бош ҳисобчининг иши. Ҳисобчи эса хатога йўл қўйиши мумкин эмас. А.Жўраев ҳисобчилик даврида мансаб мавқеини бир эмас, бир неча бор суиистеъмол қилганлиги вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан судга тақдим этилган ҳужжатларда ўз исботини топди. Қолаверса, мактаб директори Ф.Ҳусаинов, хўжалик ишлари мудири Б.Примов ва бош ҳисобчи А.Жўраев бирга ўзлаштирган бюджет маблағларини сохта ҳужжатлар билан тўғрилаб қўйишга уриниб келишган. Ходимларнинг ойлик маошидан ушлаб қолишлар бир неча бор такрорланиб, қайсидир ходимга кўп, қайси бировига кам тўланган иш ҳақи жамоада норозиликни келтириб чиқарди.

Энди мана бу рақамларга эътибор берайлик:

...2009 йил (судда аниқланган далиллар) 9 октябрь кунидаги 124-сонли тўлов топшириқномаси билан банкдан олинган жами 4 041 574 сўм маблағ 7 нафар ўқитувчининг пластик карточкасига ўтказиб берилгани ҳолда, мактаб ҳисобхонаси ҳужжатларида ушбу пуллар 48 нафар ўқитувчига иш ҳақи сифатида берилганлиги сохта ҳужжат билан қайд этилган. Шунингдек, 2009 йил 6 ноябрь куни 11 нафар ўқитувчига жами 6 114 541 сўм пул 2009 йил октябрь ойи иш ҳақи учун деб олинган бўлса-да, ҳисоботда бу пулларни 47 нафар ўқитувчининг иш ҳақи сифатида пластик карточкаларга ўтказилганлиги тўғрисида қалбаки рўйхат тайёрланади. 2009 йил 13 ноябрь кунги 135-сонли тўлов топшириқномаси билан пенсионерлар ва ҳомиладорлик таътилида бўлганлар учун жами 3 691 155 сўм миқдорида ижтимоий нафақа пуллари олиб келинади. Бироқ, ҳақиқатда ҳомиладорлик таътилига чиқмаган А.Тўқсариевага 1 545 163 сўм, Н.Исматовага 85 965 сўм, Г.Эрназаровага 299 010 сўм ҳомиладорлик таътили ва суюнчи пуллари, дея ҳеч қандай асоссиз уларнинг пластик карточкаларига ўтказиб берилган. Ҳисоботларда эса ушбу пуллар пенсионерлар ва таътилга чиққанларга ижтимоий нафақа сифатида ўтказилган, деган мазмундаги қалбаки рўйхат тузилган.

Бундан ташқари, ҳатто мактабда ишламайдиган ходимларга ҳам ойлик маош тайинланиб, жумладан, Л.Омонованинг пластик карточкасига 691 243 сўм ўтказиб берилган. Бу рақамларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Шунингдек, мактаб директорининг масъулиятсизлиги туфайли ўқитувчиларга баъзан асоссиз равишда устама пул тайинланиши, ўтилмаган дарс соатлари учун ҳам иш ҳақи белгиланиши, мактаб ходимларини моддий рағбатлантириш талаблари бузилиб, қайта-қайта мукофот пуллари тарқатилгани, мактаб моддий-техника базасини ўзлаштиришга бўлган уринишлар текширувлар давомида ўз исботини топди. Умрини касбига фидо қилган ўқитувчи ой давомида тинмай меҳнат қилиб, ой якунида директор ва ҳисобчи ҳузурида ойлик маош ведомостига "олдим", дея имзо қўйса-ю, маоши асоссиз ушлаб қолинса, буни сув бўйига бориб, сув ичмай қайтишга менгзаш ўринлидир.

Яна "Аванс Г"га қайтсак. 2010 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақларидан 14 млн. 493 минг 595 сўм пул асоссиз равишда ушлаб қолинган. Улар баъзан олиб, баъзан олмаган гўшт учун шунча пулларидан айрилишган. Мактаб раҳбарияти томонидан ўйлаб топилган бундай "тадбиркорлик" усули моддий манфаат йўлида қўйилган тузоқдан ўзга нарса эмас. Бу усул қайсидир маънода ўзини оқлаши ҳам мумкиндир. Ўқитувчи гўшт харид қилиш учун бозорга боришга кетадиган вақтни тежаши ёки мол сўйиб сотган ҳамкасбига озгина бўлса-да ёрдам бўлиши мумкин. Бироқ, ҳамма ўз моддий имкониятидан келиб чиқиб, рўзғорига сарф-харажат қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, "Аванс Г"нинг мажбурийлиги ўқитувчилар жамоасининг норозилигига сабаб бўлиши табиий.

Товламачилик, талон-торожликка йўл қўйган А.Жўраев, Ф.Ҳусаинов, Б.Примов, Ғ.Нуралиевлар қилмишларига яраша жазога тортилдилар. Аммо кишини ўйлантирадиган масаланинг бошқа томони бор. Меҳнати муносиб тақдирланмаган ўқитувчининг дарс ўтишга хоҳиши сусаяди. Оқибатда бундан ўқувчилар жабр кўради. Билим олишга бўлган иштиёқи сўнади. Қолаверса, ўқитувчи ва ходимларининг ишончини суиистеъмол қилган раҳбар жамоада қай юз билан юра олади, бу унинг виждонига ҳавола.

Нафс гирдоби

Баҳор, ёз ойларида минерал ўғитларга эҳтиёж кескин ортади. Фермер хўжаликларига контрактация шартномалари асосида аввалдан белгиланган миқдорларда турли хил минерал ўғитлар етказиб берилади. Аммо айрим хўжаликларнинг раҳбарлари томонидан оқибатини, экинлар ҳосилдорлигига таъсирини ўйламасдан, тупроққа солинмай «тежаб» қолинган «дори»ни енг ичида пуллаб юборилиши ҳолатлари учрамоқда. Ўғитфурушлар ўз навбатида устама нарх қўйиб сотиб, ҳисобга олинмайдиган «даромад» орттиришяпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эса ўзаро ҳамкорликда бу каби жиноий қилмишларни фош этиш ҳамда олдини олиш устида ишлашяпти.

Шавкатжон МУҲАМЕДОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Риштон туман бўлими бошлиғи

МХХ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда 31 ёшга кирса-да, муқим иш жойи бўлмаган Булоқбоши қишлоғида яшовчи Умиджон Худдиевнинг 3300 килограмм селитра ўғитини нотаниш кишидан 1 млн. 650 минг сўмга сотиб олиб, ноқонуний равишда сақлаб келаётгани аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, иш судга юборилди. Суд унга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Ашёвий далил — ўғит давлат фойдасига мусодара қилинди.

Қўқон шаҳрида яшовчи Рустамжон Камолдинов эса тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан савдо-сотиқ билан шуғулланган. У 300 қоп карбамид ўғитининг ҳар қопини 25 минг сўмдан, жами 7 млн. 500 минг сўмга сотиб олиб, қўшни давлатда икки баробар қимматига пуллаб, мўмай "фойда" кўришни режалаштирган. Ўзининг "КАМАЗ" русумли юк машинасида Риштонга келиб, ўғитни айланма йўллар билан чегарадан Қирғизистон Республикаси ҳудудига олиб ўтаётган пайтда бўлимимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимлари ўзаро ҳамкорликда ўтказган тадбир чоғида ушланган. Ўғитфурушга нисбатан суд ашёвий далил сифатида олинган карбамидни давлат фойдасига мусодара этган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллади.



Шунингдек, бўлимимиз ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда коррупция, порахўрлик каби ўта хавфли иллатларга қарши кураш олиб боришяпти. Мансаб ваколатидан фойдаланиб, тамагирлик билан пора талаб қилиб олишга уринган, нафсининг қулига айланган шахслар жиноят устида қўлга олиниб, қилмишларига яраша жазоланяпти. Хусусан, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг инспектори Сардор Қодиров Риштон туман сил касалликлари шифохонасида ўтказилган текшириш материалларини ижобий ҳал этиб бериш эвазига 200 АҚШ доллари талаб қилаётгани ҳақидаги ариза бўйича тадбир ўтказилди. Нафсининг ноғорасига ўйнаган инспектор С. Қодиров жиноят устида ушланди.

Халқ таълими тизимидаги масъул лавозимда ишлаётган шахснинг тамагирлиги эса таълим-тарбия жараёнига жиддий таъсир кўрсатиши билан янада хавфли тус олади. Фуқаролардан бирининг аризасида баён этилишича, тумандаги 15-сонли умумтаълим мактабининг директори Шуҳратжон Шерғозиев хўжалик ишлари бўйича ўринбосар лавозимига ишга қабул қилиш учун 400 АҚШ доллари беришни талаб қилган. Аризачи унга 100 доллар келтириб беради. Директор қолган 300 долларни ҳам келтириб беришни кунора талаб қилавергач, 100 АҚШ доллари миқдорида пора олган чоғида қўлга туширилди. Юқоридаги жиноят ишлари суд мажлисида кўриб чиқилди. Нафсининг гирдобига тушган шахслар қилмишларидан пушаймон бўлиб, ҳақ йўлига ўтишлари учун етарли — С.Қодиров 5 йил 6 ой, Ш.Шерғозиев 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ишонмагин «дўст»ингга...



Ахмаджон ТЎХТАСИНОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси
Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Бир куни чўлда кетаётган икки дўст, нимадир бўлиб бир-бирлари билан тортишиб қолишибди. Шунда дўстларнинг бири жаҳл устида иккинчисининг юзига тарсаки тортиб юборибди. Тарсаки еганнинг жони оғрибди. Лекин ҳеч нима демай ерга эгилиб, қумга шундай деб ёзибди: "Бугун энг яқин дўстим менга тарсаки туширди". Улар яна йўлларида давом этишибди ва бир воҳага чиқиб қолишибди. Йўл азобидан тинкалари қуриган оғайниларнинг кўзлари сувга тушиб, чанқоқларини қондириш учун югуришибди. Шунда боя тарсаки еган йигит сув бўйидаги ботқоққа тушиб кетиб, чўка бошлабди. Буни кўрган шериги дарҳол ёрдамга шошилиб, уни ўлимдан қутқариб қолибди. Ўзига келган йигит бир оз муддат ўтгач, бир тошга: "Бугун энг яқин дўстим ҳаётимни сақлаб қолди", дея ёзиб қўйибди. Уни кузатиб турган дўсти сўрабди: "Боя тарсаки тортувдим, қумга ёздинг, қутқариб қолсам, тошга. Нима учун бундай қиляпсан?" дея сўрабди. Дўстининг жавоби қуйидагича бўлибди: "Дўстдан оғринганимизда қумга ёзишимиз керакки, салгина шабада эсганда ҳам ўчиб кетсин. Аммо дўстимизнинг қилган яхшилигини тошга битишимиз керак. Токи ҳеч бир шамол ё бўронлар уни ўчира олмасин".

Дарҳақиқат, дўстларнинг бир-бирларига бўлган садоқати, меҳр-муҳаббати, агар у чин бўлса, аниқки, тошга ёзилади. Бироқ ҳаётда ўзини дўстдай тутиб, аслида ортдан пичоқ урадиганлар ҳам дўстлар орасида кам эмас.

Саминжон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам бир куни рус миллатига мансуб Алек исмли йигит билан танишиб қолиб, дўст тутинди. Аслида уларнинг муносабатини "дўст"ликдан кўра, "улфат"лик дея атасак, тўғрироқ бўларди. Нега бундай деганимизни, қуйида билиб оласиз.

Хуллас, тайинли жойда ишламайдиган икки навқирон йигит вақтларини бир гал кафе, ресторанда ўтказишса, бошқа сафар уйларида кайфу сафо қилишарди. Албатта, бундай базму жамшидлар спиртли ичимликларсиз ўтмасди. Шундай кунлардан бирида Саминжон дўсти Алекни уйига меҳмонга таклиф қилди.

Алек ишларини апил-тапил тугатиб, дўстининг уйига меҳмондорчиликка ошиқди. У кириб келиши билан Саминжон дастурхон ёзиб, меҳмоннавозликни жойига қўйди. Овқатнинг тагида қолсин, деб қиттай-қиттай қилиб олишди. Аммо ичкиликбозлик шу билан тўхтаб қолмади. "Олдик-олдик" билан кайфи тароқ бўлиб қолган Саминжоннинг кўнгли тўсатдан аёлларни тусаб қолди-ю, шеригига юзланди:

— Нима дейсан Алек, бир иш қиламизми?

— Қанақа иш экан?

— Опа-сингил танишларимиз бор-ку, ўшаларни чақирайми?

Алек "билмадим" маъносида елка учирди.

— Нега елкангни қисасан? Эркакмисан ўзи?

Столга энгашганча гапираётган Саминжоннинг гаплари улфатига ҳам маъқул бўлди. Розилик билдиргандай бош чайқаб, яна ароқ қуя кетди. Кўп ўтмай чақирилган қизлар етиб келишди.

— Келинглар, келинглар, — дея Саминжон уларни тиржайганча қутиб олди.

Қизлар ҳам тортиниб ўтирмай, улфатчиликка қўшилишди. Яна шишалар очилди, базм авжига чиқди. Бир оздан сўнг, Саминжон қизларнинг бирини "Мен билан юр", дея ювиниш хонасига бошлади.

— Тушунмадим, нима қиламиз, бу ерда? — деди қиз ичкарига киргач.

Саминжон саволга жавоб бериш ўрнига, очиқдан-очиқ вояга етмаган қизга тирғала бошлади. Кейин тўсатдан зўрлашга тушди. Қиз қаршилик қилавергач, уни куракда турмайдиган сўзлар билан сўкдию, бу ҳам иш бермагач, энди қизни ўлдириш билан қўрқита бошлади. Аммо қиз йигитнинг барча уринишларига қарамай, қаршилик қилишда давом этди. Бир амаллаб Саминжоннинг қўлидан чиқиб олгач эса, ўзини ташқарига урди. Бироқ ожизанинг кучи навқирон йигитга қандай етсин? Йигит қизни залга судраб чиқди ва Алекни ёрдамга чақирди.

— Ушла буни. Ёрдамлаш менга.

Алек ёрдамга шошилди. Икковлон қизнинг қўлларини қайириб, арқон билан боғлаб, диванга ётқизиб қўйишди. Бу ҳолатнинг гувоҳига айланиб, эс-ҳушини йўқотган Элнорани ҳам зумда боғлашди. Борган сари инсоний қиёфасини йўқотиб, ваҳший ҳайвонга айланиб бораётган йигитларнинг тажовузидан қандай қутулишни билмаган қизлар бор овозлари билан бақириб, ёрдам сўрашарди. Бу ҳолат йигитларни шошилтириб қўйди.

— Уларнинг оғзини ёпиш керак, — деди Саминжон.

Улар шу заҳоти қизларнинг оғзини ёпишди. Ўзининг бузуқ ниятини амалга оширишни мақсад қилган Саминжон Насибани яна ювиниш хонаси томон тортқилай бошлади. Қиз бор кучи билан қаршилик кўрсатди. Бундан жаҳли чиққан Саминжон ўзини бошқаролмай қизнинг бўйнига пичоқ тортиб юборди...

Бу пайт залда Алек Элноранинг кийимларини ечиш билан овора эди. Қўли қонга ботган Саминжон ювиниш хонасидан чиқиб, ўртоғига ёрдамлашди. Йигитлар Элноранинг қаршилигига қарамай, унинг номусини булғашди. Шундан сўнг уни ҳам ювиниш хонасига олиб киришди.

— Энди мени галим. Сен ушлаб тур, — деганча Алек Элноранинг бўйнига тўрт маротаба пичоқ урди.

Пичоқ зарбидан Элнора ҳам шу ерда вафот этди. Одамийликни буткул унутган улфатлар қизларнинг таналарини бўлакларга ажратиб, пакетларга солдилар-да, бир қисмини ҳожатхонага, қолганини ахлатхонага ташлаб юборишди.

Икки қизнинг жонига қасд қилган йигитлар бу билан тинчишмади. Энди эски хуштор лари Оксананинг ҳам жонига қасд қилиш режасини ишлаб чиқишди. Кўп ўтмай қизнинг уйи олдида пайдо бўлиб, Оксанани кута бошлашди. Орадан анча вақт ўтса-да, қиз қорасини кўрсатмагач, тарвузлари қўлтиғидан тушган одамлардай ортга, Алекнинг уйига қайтишди. Бу ерда яна маишат қилишди. Саминжон дўстининг қистови билан ўша ерда қоладиган бўлди. Агар у Алек нима учун қолишга даъват этганини олдинроқ билганидами?

Ҳа, хонадон эгаси бу таклифни бежиз қилмаган эди. Улар гарчи қотилликка бирга қўл уришган бўлса-да, Алек Саминжон панд бериб қўядигандек уни ҳам гумдон қилишни режалаштирди. Саминжон донг қотиб ухлаётганида дўсти унинг бошига икки маротаба ёғоч билан урди. Зарб кучидан Саминжон ҳам воқеа жойида вафот этди. Бўлиб ўтган мудҳиш жиноятни яшириш мақсадида Алек аввалги усулни қўллади, яъни қизлар сингари унинг ҳам танасини бўлакларга ажратди. Бир қисмини қуйдириб, қолганини оқиб турган каналга ташлаб юборди.

Шу тариқа Алек билан Саминжоннинг улфатчилиги фожиали якун топди.

Одил суд жиноятчига қилмишига яраша жазо тайинлади. Шу ўринда унутмайликки, "синалмаган отнинг сиртидан ўтма", деганларидек, танимаган-билмаган билан танишгач, тезда дўстлашиш ва керагидан ортиқ ишониш ҳамма вақт ҳам ўзини оқламайди.

Бу воқеа сўнгги пайтда урфга айланган интернет тармоқлари ва телефон орқали танишаётган ёшларимизни, қолаверса, биз катталарни ҳам огоҳликка чақиради, деган умиддамиз.

Шайтонга ҳайф беролмади...

Исломбек ХЎЖАМУРАТОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

"Роса жонга тегди-ку! Ҳали ароқ олиб бер, деб дағдаға қилса, ҳали бўлар-бўлмас урушиб, калака қилади. Индамасам, бошимга чиқиб оладиган... Яна, "айтганимни қилмасанг, болаларингни ўлдираман", деб дўқ уради. Уларда нима гуноҳ? Кўчала тинчгина юриб бўлмаса, унинг дастидан. Нима қилсам экан-а?! Бошим қотиб қолди-ку!"

Маҳалладошининг тўйига йўл олган Муҳаммадининг эс-хаёли шундай фикрлар билан банд эди. Тўйхонага энди кирган ҳам эди, кўзи Эшмаматга тушиб, таъби тирриқ бўлди. "Қаёқдан ҳам уни эсладим-а! Олдимдан чиқиб турганини-чи...". Ўзини четроққа олмоқчи эди, улгурмади. Уни кўрган Эшмамат ёнига чорлаб, ароқ олиб келишни буюрди. Муҳаммади унинг буйруғига бўйсунди. Аммо топа олмади. Ортига бўш қайтди-ю, балога қолди. Уни болахонадор қилиб сўккан Эшмамат, қаердан бўлса ҳам ароқ топиб келишни тайинлади. Муҳаммади ноилож яна йўлга тушди. Дўкондан бир шиша ароқ билан озроқ колбаса харид қилди. Аммо афсуски, бу билан ундан қутула олмади. Яхшигина маст бўлиб қолган Эшмамат яна унинг жиғига тега бошлади. Бир нарсаларни баҳона қилиб, ташқарига йўл олган эди, ортидан эргашди.

Кўчада Эшмамат баттар ҳаддидан оша бошлади. Дуч келган хонадонга кириб, у ердагиларни ҳам безор қилди. Муҳаммади қўлидан келганча уни қайтариб, яна кўчага олиб чиқар, Эшмамат бўлса, имкон топди дегунча, Муҳаммадининг дуч келган жойига мушт туширib қоларди. Шу пайтгача ҳаммасига чидаб келган Муҳаммадининг ахийри сабри тугади. Дўкон ёнига уюлган тарвузлардан бирига санчилган пичоқни олиб, чўнтагига яширди-да, Эшмаматни четроққа судради. Кимсасиз жойга келишгач, Эшмамат яна уни турткилай бошлаган эди, Муҳаммади пичоқни оламан, деб тушириб қўйди. Эшмамат бўлса яна уриб, бўға бошлади. Муҳаммади ундан ўзини ҳимоя қилар экан, қўлига тушган таёқни олди-да, ура кетди. Бу пайтда у ўзини бошқаролмай қолган, шайтоннинг сўзига кириб, шу кунгача йиғилиб келган бутун аламидан қутулиш учун кучига зўр берган эди. Ура-ура чарчаганидан кейин таёқни бир четга отиб юбориб, боши оққан томонга йўл олди.

Икки кун ўтгандан кейин эса ҳодиса юз берган жойдан Эшмаматнинг жасади топилганлиги ҳақидаги хабарни эшитди.

Гарчи судда М.Буранов марҳум нафақат уни, балки бошқа маҳалладошларини ҳам муттасил равишда уриб, ҳақоратлаб келгани, икки-уч марта ҳатто болаларини ўлдириш билан ҳам қўрқитгани ҳақида айтиб, бу зуғумларга чидай олмай, унга қўл кўтаргани, аслида ўлдириш нияти бўлмагани, ўзи милицияга келиб хабар берганини билдирган бўлса-да, барибир, уни оқлаб бўлмайди.

Аввало, Асосий Қонунимиз бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир, деб қатъий белгилаб қўйилган. Қолаверса, муқаддас динимиз Исломда ҳам бировнинг жонига қасд қилиш кескин қораланади. Шундай экан, нима бўлганда ҳам М.Бурановнинг бундай қарорга келиши ҳеч бир қуюшконга сиғмайди. Мана энди, ўйламай қилган қилмиши учун у умрининг маълум қисмини панжара ортида ўтказишга маҳкум.



Пора — юзни қилди қора

Ўктам ПИРМАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти катта суриштирувчиси

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизмини мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга мос тарзда ислоҳ этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шунга қарамасдан, шифокорларнинг орасида ўзининг касбий фазилатларини унутиб, нафси гирдобига учраганларнинг ҳам борлиги кишини чуқур ўйга солади.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги болалар тиббий маслаҳат-диагностика маркази бош шифокори вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият юритган Тамила Бўриева (исм-фамилиялар ўзгартирилган), фуқаро Лобар Алимовани ушбу муассасанинг 1-маслаҳат бўлими ҳамшираси лавозимига жойлаштиришни ваъда қилиб, ўз хизмат хонасида 400 АҚШ долларини олаётган вақтда, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан ушланиб, жинояти фош этилди.

Суд томонидан ҳуқуқбузар Тамила Бўриевага нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тиббиёт ходимларининг ўз касбларига бўлган масъулиятларини янада ошириш, улар ўртасида суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларини олдини олиш муҳим вазифадир. Бу эса, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишдек муҳим конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишига олиб келади.

Жиноий тўданинг тугатилиши

Аёл ҳаёт ва гўзаллик тимсоли. У бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан эса дунёни тебратишга қодир.



Аброр АБДУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма АМИБ катта терговчиси

1986 йилда Тошкент вилоятида туғилган Малика Воҳидова икки нафар фарзанднинг онаси. Аммо афсуски... Беш қўлини оғзига тиқиб, қандай бўлмасин пул топиш пайига тушди-ю, бу йўлда дахшатли, жирканч ишларга ҳам қўл урди: алдов йўли билан ҳужжатларни қалбакилаштириб, бировларнинг уйларини эгаллаб олиш, ҳатто уларни жисман йўқ қилиш пайига тушган эди.

Маклерлик билан шуғулланиб юрган кезлари. Бу ишнинг ҳадисини олганлиги-ю бошқа маклер "ҳамкасб"лари орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлганлиги сабабли, "Уй бозори", дея аталмиш ҳудудда ўзини ҳақиқий маликалардек тутар, аксарият пайтларда сўнгги сўзни у айтар эди. Кўп вақт ўтмади. Бир маҳал қарабсизки, 10-15 нафар маклерлар деярли ҳар бир ишда у билан маслаҳатлашадиган бўлишди. Бу эса Маликанинг анчадан буён ўйлаб юрган режасини амалга ошириш учун айни муддао эди.

Бунинг учун у аввало, гапсўзга чечан, уй-жой олди-сотдисида "пихини ёрган" маклер "ҳамкасби" Сергей Джунковскийнинг «кўнглига» қўл солади ва уни режасидан воқиф этади: "Шундай-шундай, қачонгача бировларга қул олиб бериб, бошқасиникини сотиб берамиз. Мустақил иш қилиш вақти келди-ку! Агар хўп десанг, ёлғиз яшайдиган одамларни топамиз-у, амаллаб, уйини қўлга киритамиз. Бу ишда қатнашадиган одамларни ўзим танлайман. Кейин бўлса уйни сотиб, пулини бўлишиб оламиз. Бундайлар ёлғиз бўлгани сабабли, уларни ҳеч ким қидириб ўтирмайди. Нотариал идорадаги ишлардан эса хавотир олмасанг ҳам бўлади. У ерда сенинг ҳам, менинг ҳам танишларимиз етарли. Бизга «йўқ» дейишмайди".

Маликанинг ақлига тасаннолар айтган Сергей, бу таклифга бажонидил рози бўлди. Шундай қилиб, ишга киришишди ва Малика ўзи яхши танийдиган маклерлардан 10 чоғлиқ одамни бирма-бир четга олиб, таклифини айтади. Буни қарангки, улардан бирортаси ҳам "Йўқ, бу иш қонунга хилоф. Менга тўғри келмайди", дея эътироз билдирмайди. Малика шу заҳоти уларнинг ҳар бирига лаёқатига яраша вазифа бўлиб беради. Унга кўра, М.Воҳидова норасмий тузилган маклерлар гуруҳига раҳбарлик қилиш билан бирга, пойтахтда ёлғиз яшовчи фуқароларни аниқлаб, бу ҳақда гуруҳ аъзоларига хабар бериши, уйлар эгалланиб, сотилгандан кейин пулларни тақсимлаши керак бўлади. Ушбу режадан биринчи бўлиб хабар топган С.Джунковский оддий ишларни бажаришни хоҳламагани учун, Малика уни ҳам ўзи каби гуруҳ раҳбари, дея эълон қилади. Унинг вазифасига ёлғиз фуқароларни аниқлашдан ташқари, уларни алдов йўли билан нотариал идораларда уй-жой бўйича олди-сотди шартномаларини имзолатиб, сўнгра шу уйларни ўзининг қариндошлари номига расмийлаштириш кирарди.

Шунингдек, Суннат Рустамов, Гулмира Ергашева, Одил Назарчаев, Шерзод Наджимов, Ҳаётилла Файзиев, Абдували Пардаев, Ўктам ва Хуршида Бечановалар ёлғиз яшайдиган фуқароларнинг уй-жойлари бўйича барча ҳужжатларни тўплашлари, уй эгаларини алдов йўли билан нотариал идорага олиб бориш ва шартномаларга қўл қўйдириш, олди-сотди шартномалари имзоланган сўнг уйсиз қолган жабрланувчиларни олдиндан тайёрланган уйларга жойлаштириб, уларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилишлари керак бўлган бўлса, Ислом Абдураҳмонов ўзига тегишли автомашинада гуруҳ аъзоларига хизмат қилган.

Нигора Раҳимовага эса жабрланувчиларнинг уйига бориб, ўзини туман ижтимоий таъминот бўлимининг ходими сифатида танитиш топширилган. Ҳойнаҳой, унда актрисалик қобилияти бўлган бўлса керак.

Бундан ташқари, Юнусобод туманидаги давлат нотариал идораси нотариуси Лайло Аҳмедова билан Зангиота туманидаги давлат нотариал идораси катта нотариуси Дилором Имамбаевалар ҳам Малика билан Сергейнинг чақириғига "лаббай" дея жавоб берганлардан ҳисобланишади.

Энг ачинарлиси, ушбу жиноий гуруҳга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳам аралашиб қолганлигидир. Профилактика инспектори лавозимида ишлаган Мурод Мадимаров Малика билан яхши муносабатда бўлганлиги сабабли унинг бир оғиз "ўзингизга бириктирилган ҳудудда ёлғиз яшайдиган фуқароларни аниқлаб, қариндошлари бор ё йўқлигини ҳам билиб беринг. Зарур бўлганда бизникиларни уларнинг уйларига киришларига шароит яратиш ҳам қўлингиздан келар-а?!" деган гапига "йўқ" дея олмади. Яна бир орган ходими бўлмиш Яхё Қудратиллаевнинг қилмиши ҳақида қуйида тўхталамиз.

2010 йил январь ойида жиноий гуруҳ аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан Юнусобод туманидаги биринчи нишон аниқланади ва С.Джунковский унинг ҳузурига йўл олади. У уй эгаси Л.Крюковнинг спиртли ичимликка ружу қўйганидан фойдаланиб, тезда унинг ишончига киради. 25 январь куни Л.Крюковни нотариус Л.Аҳмедованинг ёнига бошлаб боради ва унга бошқа уй олиб беришни ваъда қилиб, уйини сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномани ўзининг номига расмийлаштириб олишга муваффақ бўлади. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас ушбу ишончномадан фойдаланиб, яна Л.Аҳмедованинг кўмагида расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан Л.Крюковга тегишли уйни ўз ҳукмининг номига ўтказиб олади. Бир ҳафтадан кейин ушбу уйни бир харидор топиб, 45 млн. сўмга сотиб юборади.

Юқорида С.Джунковский Л.Крюковни бошқа уй олиб беришни ваъда қилган, деган эдик. Ҳақиқатан ҳам у сўзининг устидан чиқиб, Л.Крюковнинг номига Олмалиқ шаҳридан бир хонали уйни расмийлаштириб беради. Аммо, кўп ўтмай яна бошқа жой олиб беришни ваъда қилиб, бу уйни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномани қўлга киритади. 2010 йилнинг май ойида ушбу ишончнома асосида бу уйни ҳам сотиб юборади.

Эндиги навбат Мирзо Улуғбек туманига келади. Жиноий гуруҳ аъзолари бу ерда бир йигитчанинг ёлғиз яшаши-ю, уй онасининг номида бўлиб, онаси айни дамда руҳий касалликлар шифохонасида эканлиги ҳақидаги хабарни С.Джунковскийга етказишади. Дарҳол ишга киришган Сергей йигитчани топиб, мўмай пул ваъда қилади ва ундан онасининг паспорти нусхаси билан уй ҳужжатларини олиб қўяди. Кейин С.Рустамов ҳамда А.Пардаевларнинг ёрдами билан 50 минг сўм мукофот пули эвазига касалхонада ётган Л.Коротченконинг ўрнига унга ўхшайдиган бир аёлни топади ва у билан Зангиота туманида жойлашган давлат нотариал идорасига йўл олади. Шундай қилиб, 2012 йилнинг 5 май куни катта нотариус Д.Имамбаеванинг ҳузурида сохта уй эгаси уйини сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномага қўл қўяди. Д.Имамбаева бўлса бошқа одамга тегишли уйни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномани паспорт нусхасига асосан қонунга хилоф равишда расмийлаштириб беради ва бу қилмиши эвазига 200 АҚШ долларини қўлга киритади. С.Джунковский вақтни ўтказмай уйни тезда хотинининг номига расмийлаштириб олади. Кейинчалик 16 минг 750 АҚШ долларига сотиб юборади.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, С.Рустамов О.Ермакова исмли шахс Мирзо Улуғбек туманидаги ўзига тегишли хонадонда яшамаслиги ва айни пайтгача қаерда эканлигини ҳеч ким билмаслигидан хабар топади. Дарҳол А.Пардаев билан келишиб, М.Шапошникова исмли аёлни 50 минг сўм мукофот пули эвазига нотариал идорага кириб, О.Ермакованинг ўрнига ҳужжатларга имзо чекишга кўндиради. Ҳаммалари катта нотариус Д.Имамбаеванинг ёнига келишгач, у С.Рустамов томонидан усталик билан ясалган О.Ермакованинг паспорти нусхасига кўра, уйнинг олди-сотди шарномасини расмийлаштиради. Бир ҳафтадан кейин эса ушбу шартномага асосан уй С.Рустамовнинг номига ўтказилади ва кейинчалик сотиб юборилади.

Жиноий гуруҳ аъзолари томонидан юқоридаги усуллар билан О.Горбачева, И.Кашин, С.Васильченко, М.Аверкиева, Л.Тимошенко, Е.Зайцева, Л.Горяинова каби жами 12 нафар фуқаронинг уй-жойлари ўзлаштирилиб, кейинчалик сотиб юборилган. Тушган пуллар ўзаро бўлиб олинган.

Энг дахшатлиси эса, 2011 йилнинг февраль ойида юз беради. Ўшанда М.Воҳидовага Юнусобод туманида Рима Ким исмли ёлғиз аёл яшаши ҳақида хабар етказишади ва у, аввало, аёл билан танишиб, унинг ишончига киришга ҳаракат қилишни бошлайди. Бу ишни уддалагач, нотариал идорага боришни лозим топмай, С.Джунковскийга нотариус Л.Аҳмедовани шу ерга олиб келишни топширади. Улар келишгандан кейин машинада ўтириб, уйни таъмирлашга ёрдам бермоқчи эканликлари, бунинг учун у фақат имзо чекиши кераклигини айтиб, уйни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномага қўл қўйдириб олишади. Ҳужжатларни ноқонуний расмийлаштиргани учун Л.Аҳмедова бу сафар 800 АҚШ долларини қўлга киритади. Иш битгач, М.Воҳидова билан О.Назарчаев Рима Кимни О.Бекчановнинг Қибрай туманидаги яшаш уйига олиб боришади ва бунинг эвазига хонадон эгасига 300 АҚШ доллари беришади. Нималар бўлаётганини тушунмай, устига-устак, уй-жойсиз қолган аёл у ерда бир ҳафтача яшагандан кейин, О.Бекчановнинг Фарғонада истиқомат қиладиган қизининг уйига хотини Х.Бекчановани ҳамроҳ қилиб, мажбуран жўнатишади. Бир неча кундан кейин у ерга етиб келган М.Воҳидова Р.Кимни "ортиқча юк" бўлди, дея уриб-тепқилайди. Етказилган жароҳатлар натижасида аёл вафот этади ва О.Бекчанов уни қопга солиб, кўчадаги гаражлардан бирининг ёнига ташлаб келади.

Бировларни алдаб, уй-жойларини сотиш орқали мўмай даромадга эга бўлган жиноий гуруҳ томонидан «ҳукм ўқилган» яна бир жабрланувчи Юнусобод туманида истиқомат қилган Г.Кудрешовдир. Унинг бир ўзи яшаши ҳақида профилактика инспектори М.Мадимаровдан эшитган Малика Воҳидова Н.Раҳимовани ёнига олади-да, унинг уйига бориб, яхши гаплар билан қариянинг кўнглини топади. Унинг уйи ҳужжатлари билан фуқаролик паспортини қўлга киритгач, вақтини келишиб, Г.Кудрешовни нотариус Л.Аҳмедованинг олдига олиб боришади. Мақоламиз аввалида С.Джунковскийни гапга чечан, деган эдик. У бор маҳоратини ишга солиб, қарияни шунчалар алдайдики, натижада Г.Кудрешов "коммунал тўловларни камайтиришга ёрдам" беришаётганлиги учун уларга миннатдорчилик билдира-билдира, уйнинг олди-сотди шартномасига имзо чекади. Бу пайтда Г.Ергашева ҳамда Ш.Наджимовлар, хонадон эгасининг йўқлигидан фойдаланиб, уйга харидор бошлаб келиб, кўрсатишади.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтгач, қилиб қўйган ишидан кўнгли хижил Г.Кудрешов ҳақиқатда қандай қоғозларга қўл қўйганини аниқлаш мақсадида нотариус Л.Аҳмедованинг ҳузурига йўл олади. Унинг талабини эшитиб, жиноятлари ошкор бўлишини сезиб, қўрқиб кетган Л.Аҳмедова шу заҳоти С.Джунковскийга қўнғироқ қилади. Ўзи эса қарияни гап билан чалғитиб туради. Кўп ўтмай И.Абдураҳмоновнинг машинасида етиб келган О.Назарчаев, Г.Кудрешовни нотариал идора олдидан мажбуран олиб кетиб, Х.Файзиевнинг Чирчиқ шаҳридаги дала ҳовлисига жойлаштиради. У ерда Г.Кудрешовни қийнаб, уйини ўз ихтиёри билан сотганлиги ҳақида тилхат ёздириб олишади. Шу ерда Г.Кудрешов ўзига ўзи ҳукм чиқаради. Бояқиш кимларнинг қўлига тушганини ҳали билмасди-да! Йўқса, бўлиб ўтган ишлар ҳақида тегишли идораларга хабар қиламан, дермиди?! Бу гапни эшитган М.Воҳидова уни дарҳол йўқ қилиш ҳақида О.Назарчаевга буйруқ беради. О.Назарчаев чолни электр сими билан бўғиб ўлдиради ва гўё у ўз жонига қасд қилган, деган ҳолатни ташкиллаштиради.

Ана энди Я.Қудратиллаевнинг қилмиши ҳақида баён қилиш навбати келди. Чирчиқ шаҳри милициясида катта тезкор вакил лавозимида хизмат қилган Я.Қудратиллаев, Г.Кудрешовнинг ўлими ҳолати юзасидан воқеа жойига чиқади ва унинг ҳам нафси устунлик қилиб қолади. Хуллас, у қотилликка қўл урганларга жиноий жавобгарликка тортилмасликларини ваъда қилади ва бунинг эвазига Х.Файзиевдан 800 АҚШ доллари олади.

Ниҳоят, жиноий гуруҳнинг фаолияти фош этилди. Йўқса, ким билсин, улар фирибгарликни касб қилганча яна қанча қаровсиз қолган фуқароларни чув туширишарди?! Ва яна қанча инсонларнинг умрига зомин бўлишарди? Айни дамда қидирув эълон қилинган С.Джунковский билан Я.Қудратиллаевдан бошқа жиноий гуруҳнинг барча аъзолари қўлга олиндилар ва суд томонидан уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.



Чемпионлар тўқнашуви

Бу йилги мавсум Испаниянинг "Реал" Мадрид клуби учун кутилмаган воқеалар билан бошланди. Тўғри улар Испания суперкубогида икки ўйин натижасига кўра азалий рақиблари бўлмиш "Барселона"ни мағлуб этди. Бироқ "La liga" баҳсларида жамоа барқарор ўйин кўрсата олмаяпти. Чемпионатда ҳозиргача 4 та ўйин ўтказилган бўлса, "қироллик клуби" 1 дуранг, 1 ғалаба ва 2 мағлубият билан пешқадамдан нақд 8 очкога ортда қолмоқда.

Айрим маълумотларга қараганда, клуб футболчилари орасида ички муҳит ижобий даражада эмас экан. Бундан ташқари, сал аввалроқ жамоа етакчиси Роналду клубдан кетиш нияти бор эканлигини айтиб, мадридлик мухлисларни хавотирга солиб қўйганди. Қисқаси, Европа чемпионлар лигасининг "Манчестер Сити"га қарши кечадиган ўйинига қадар жамоанинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмасди.

"Шаҳарликлар" эса аксинча, мавсумни анча кўтаринки кайфиятда бошлашди. Жамоа Англия суперкубогида "Челси"дан устун келди. Чемпионат баҳсларида эса, 4-турдан кейин 8 очко жамғариб, ҳозирча 4-ўринни банд этган. Пешқадамдан атиги 2 очко ортда бормоқда. Қисқача қилиб айтганда, чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари 1-тур ўйинларига қадар ҳар икки жамоанинг ҳолати бир-биридан тубдан фарқ қиларди.

Энди бевосита ўйинга тўхталадиган бўлсак, шубҳасиз, бу баҳс 1-тур ўйинларининг марказий тўқнашуви эди. Испания ва Англиянинг амалдаги чемпионлари ўртасидаги ўйинни олдиндан шиддатли кечишини бемалол тахмин қилиш мумкин эди. Айтиш керакки, учрашув жуда қизиқарли ва ҳужумкор руҳда ўтди. Мезбонлар гарчи рақиб жарима майдонида кўплаб вазиятларни яратган бўлса-да, ҳисобни очиш меҳмонларга насиб этди. Заҳирадан майдонга туширилган Эден Жеко ҳимоячиларнинг хатосидан сўнг дарвозабон билан биргабир вазиятга чиқиб бориб, кучли зарбаси билан Касилясни доғда қолдирди. Кўп ўтмасдан Марсело ҳисобни тенглаштирди. Бироқ мезбонларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Коларов жарима зарбасидан сўнг яна жамоасини олдинга олиб чиқди.

Энди гол уриш навбати мезбонларга келган эди ва бу ишни Карим Бензема қойилмақом тарзда бажариб берди. Учрашувнинг сўнгги дақиқасида барча дуранг бўлишини кутаётган беллашувда Роналду ўзининг борлигини эслатиб қўйди ва кучли зарбаси билан жамоасига ғалаба келтирди.

"Реал" Мадрид — "Манчестер Сити" 3:2 (0:0, 3:2)

Голлар: 0:1 - 69 Жеко, 1:1 - 76 Марсело, 1:2 - 85 Коларов, 2:2 - 87 Бензема, 3:2 - 90 Роналду.

18 сентябрь оқшомида чемпионлар лигасининг яна бир нечта ўйинлари бўлиб ўтди. Қуйида уларда қайд этилган натижалар билан танишишингиз мумкин.

Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи доирасида Парижнинг ПСЖ клуби Киевнинг "Динамо"сини қабул қилди ва йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Ушбу ўйинданг сўнг парижликларнинг ёзда амалга оширган трансфер сиёсати ўзини оқлашни бошлади, деган хулосага келиш мумкин. Ҳарҳолда, "Милан"дан катта пул эвазига сотиб олинган Златан Ибраҳимович ва Тиаго Силва ўзларининг янги жамоаси таркибида гол уришга муваффақ бўлишди.

"ПСЖ" Франция - "Динамо Киев" Украина 4:1 (3:0, 1:1)

"Динамо Загреб" Хорватия - "Порту" Португалия 0:2 (0:1, 0:1)

"Монпелье" Франция - "Арсенал" Англия 1:2 (1:2, 0:0)

"Олимпиакос" Греция - "Шальке 04" Германия 1:2 (0:1, 1:1)

"Боруссия Д" Германия - "Аякс" Голландия 1:0 (0:0, 1:0)

"Малага" Испания - "Зенит" Россия 3:0 (2:0, 1:0)

"Милан" Италия - "Андерлехт" Бельгия 0:0 (0:0, 0:0)

Спорт хабарларини **Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 12 сентябрдаги 89-С-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси "Электроника" институтига қарашли Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод-2 қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, **бошланғич баҳоси 128 872 000 сўм** бўлган "Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси "Электроника" институти.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Илмий тадқиқотлар олиб бориш.

"Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари қуйидагилардан ташкил топган: Махсус бино (142,80 кв.м.); омборхона (23,14 кв.м.); кўмирхона (9,60 кв.м.); омборхона (16,20 кв.м.); ҳожатхона (2,88 кв.м.); бассейн (32,00 кв.м.).

Давлат активининг умумий ер майдони 3400,0 кв.м., бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 226,62 кв.м.

Бино ва иншоотларда сув ва электр тармоқлари мавжуд.

Давлат активини аукцион савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

- ✓ энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- ✓ сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Аукцион савдоси 2012 йил 22 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 19 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 22 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 29 октябрь ва 5, 12 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 29 октябрдаги савдолар учун 26 октябрь куни соат 18:00; 5 ноябрдаги савдолар учун 2 ноябрь куни соат 18:00; 12 ноябрдаги савдолар учун 9 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизи, яъни 19 330 800 сўмдан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган сумманинг тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1"А"-уй манзилидаги бинонинг 4-қаватидаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларининг ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1"А"-уй. **Тел: 228-79-52, 228-84-48.**

Веб сайт www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz.
Лицензия: RR-0001. http://www.rkmb.uz/

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

AGROBANK

Омонатингизни бизга ишонинг



Агробанк омонатлари қулай, ишончли ва манфаатлидир!

Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филиалига қўйишингиз мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Қўшимча маълумот учун 150 53 65, 150 53 32 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Ўттанларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Марказий ҳарбий округ ҳарбий прокурори ўринбосари Одилжон Ўсаровга падари бузруквори

Авалбой отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq yuridik gazeta

Muassis: **O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir: **Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV	Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV	*(Bosh muharrir o'rinbosari)*
Gulnoza RAHIMOVA	
Yusupboy G'OIPOV	Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA	*(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: **Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

Telefon: 233-98-40, 233-10-53

Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

[i] — tijorat materiali.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-5383. 46 182 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**
Musahhih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O`.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.